БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил, 22 декабрь
Шанба
№ 245 (13.681).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

ССЖИ халқ депутатларининг IV съездида

Умид уйғонганда

МОСКВА, 20 декабрь. ЎзТАГ махсус мухбири А. БАРАНОВ:

Бу ерда Қорақалпоғистон парламенти аъзоларининг — мухтор жумҳурият Олий Кенгаши яқинда ўтказилган тўртинчи сессияси қатнашчиларининг мурожаатномаси тарқатилди. Мамлакат халқ депутатларининг эътибори яна бир марта бу ерда рўй берган экологик фалокатга қаратилади, Орол денгизи, қачонлардир гуллабяшнаган ва ҳосилдор заминда истиқомат қилаётган кишилар ва Оролбўйининг ноёб табиати ана шу фалокат қурбони бўлди. Ҳозир бу ерлар ғайритабиий равишда жуда катта офат зонасига айланган.

Оролбўйи Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон ҳудудинигина қамраб олмайди, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти ва Қозоғистоннинг тўрт миллиондан ортиқ киши яшайдиган Қизил Ўрда вилояти ҳам жуда оғир аҳволда қолди. Қорақалпоғистон парламенти аъзолари Оролбўйи она заминга айланган бу кишилар — қорақалпоқлар, ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар, бошқа барча миллат вакиллари учун, агар мамлакатимиз шошилинч ва таъсирчан чора-тадбир кўрмаса, бевосита ҳалокат хавфи туғилганлигини таъкидламоқдалар. Улар келаси йил бошида, парламентнинг навбатдаги сессиясида Орол ва Оролбўйига ёрдам бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга, ҳар томонлама асосланган ва энг муҳими жафокаш минтақани, унинг аҳолиси — буюк Шўро давлатининг тенг ҳуқуқли фуқароларини қутқаришнинг аниқ-равшан амал қила оладиган ижтимоий-экологик дастурини қабул қилишга чақирдилар.

— Бизда умуман бошқача йўл йўқ, — деди съездга берилган ҳужжатни шарҳлар экан ССЖИ халқ депутати, ёзувчи Тўлепберген Қаипбергенов. — Бизнинг алғов-далғов давримизда одамларнинг қувончидан ташвиши кўпроқ, ҳар бир минтақада дарду алам ва ташвишлар етарли. Халқимизда ўз уйим, ўлан тўшагим, ўзимдан ўтганини ўзим биламан, деган нақл бор... Бу ерда сўзга чиққан Римажон Худойберганова қуриб бораётган Оролнинг нидосини бугунги кунда мамлакатимизда кўпчилик эшитмаётганга ўхшайди, деб мутлақо тўғри гапни айтди.

Зотан, Офатни кўрмаслик унинг йўқ эканлигини билдирмайди. Орол бўйида мамлакат аҳолисининг 1,4 фоизи яшайди. Хавфли касалликлардан хасталаниш, ўлим даражаси эса бошқа ҳар қандай минтақага нисбатан ўнлаб баравар кўпроқдир. Масалан, Орол бўйида яшайдиган ҳар тўрт кишининг бири мохов сингари даҳшатли касалликдан азоб тортади. Фалокат рўй берган ерда яшаётганларга умуман ёрдам берилмади, дейиш мумкин эмас. Бизга «десантлар», Ўзбекистондаги, Россиядаги энг яхши касалхоналарнинг шифокорлари келишиб, маҳаллий шифокорларга ёрдам беришади. Лекин бу тадбирларнинг ҳаммаси вақтинчалик, шунчаки хусусиятга эга бўлиб, масалаларни узил-кесил ҳал этишга қаратилмаган. Бу муаммоларни учта ёки ҳатто бешта жумҳурият кучлари билан ҳал этиш мумкин эмас. Орол муаммоси — умумиттифоқ, жаҳон муаммоси, у ўз хусусияти ва миқёсларига кўра Чернобиль фожиасига ўхшаб кетади. Муаммони фақат бир ёқадан бош чиқариб ва фақат қонун билан тасдиқлаб қўйилган давлат сиёсати даражасидагина ҳал этиш мумкин.

— Шуни очиқ айтиш керакки, бугунги кунда Орол билан бирга унинг муаммолари ҳам ғарқ бўлиб кетди, — деб ёзувчининг фикрини давом эттирди «Аралводстрой» ихтисослашган бирлашмасининг бошлиғи М. А. Сарсенов. — Бу ерда гап, афсуски, сув ҳақида эмас, у қуриганидан буён йўқ. Орол сафсаталар, турли хилдаги баҳслар, фикрлар ва кўпгина ҳолларда ношудлик билан ёзилган мақолалар гирдобига ғарқ бўлди. Алам қиладиган жойи шундаки, ҳукуматда ҳам мунозаралар қилиш, турли фикрларни айтишдан бошқа гап бўлаётгани йўқ.


Бугун шундай вазият юзага келдики, энди сув Оролгагина эмас, минтақадаги одамларнинг ҳаётини сақлаш, уларни таъминлаш учун ниҳоятда зарур бўлиб қолди. Ҳозир биз қилаётган ишлар муаммони ечишга мутлақо ёрдам бермайди. Ҳаётни ичимлик сувисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Пуркагичлар қураяпмиз, 260 та шундай қурилма бунёд этдик — бу режалаштирилганига нисбатан анча кўп, бундан кейин ҳам ҳар йили юздан пуркагични ишга туширишни режалаштирганмиз. Лекин бу арзимаган иш, бу одамлар ичадиган ва фойдаланадиган сув эмас.

Муаммони чинакамига ҳал этиш учун маблағлар, моддий ресурсларга эга бўлган давлатимиз бевосита ва фаол қатнашиши зарур. Бунга ҳозир Қорақалпоғистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам маблағ йўқ.

Денгиз сифатида Орол муаммоси афтидан яна узоқ вақтгача муҳокама қилинса керак, чунки бизда «донолар» истаганча топилади. Лекин биз узоқ вақт чидаб тура олмаймиз. Аввалига Орол бўйида ҳаёт манбаи бўлган ўзанга сув келтириш, қуриган денгиз тубининг соҳил бўйларига сув олиб келиш, қуриб қолган кўрфазларни таъмирлаш ва сувга тўлдириш зарур. Бу ерларда бутун тарих давомида балиқчилик, мўйначилик ва бошқа анъанавий Орол ҳунармандчилиги вужудга келган эди... Бундай имкониятлар бор, унга сув ҳам етади. Фақат давлатимиз, унинг Олий ҳокимияти бизни қўллаб-қувватласа ва ёрдам берса бўлгани. Биз съездга йўллаган мурожаатимизда ҳам худди шу ҳақда гапирганмиз.

...Мамлакат халқ депутатларининг съезди эса тасдиқланган кун тартибига мувофиқ ўз ишини давом эттирмоқда. Иккинчи масала — иттифоқ шартномаси концепцияси тўғрисидаги масала юзасидан қизғин фикрлашув бўлмоқда.





МОСКВА. Кремль. Съездлар саройида Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи халқ депутатларининг IV съезди ўз ишини давом эттирмоқда. ЎзТАГ махсус мухбири Р. Жуманиёзов олган бу суратларда ўзбекистонлик халқ депутатлари акс эттирилган.

Эҳтирослар авжига чиқмоқда

«Халқ сўзи» рўзномасининг бош муҳаррири ўринбосари Анвар ЖЎРАБОЕВ телефон орқали ССЖИ халқ депутатларининг IV Съездидан «Ёш ленинчи» учун махсус хабар қилади.

МЕН ИЛГАРИГИ учинчи Съезддан репортажни қуйидаги сўзлардан бошлаган эдим: «Съезд очилгандан то ёпилгунга қадар бутун Қизил майдон темир панжаралар билан ўраб олинган». Ушбу съездда эса улар йўқ. Одамлар Қизил майдон бўйлаб юришибди. Балки бу ҳам демократиянинг бир белгисидир.

Танаффусга қўнғироқ чалинишн биланоқ депутатлар гур этиб мажлислар залидан катта ҳовлига чиқишади. Биров чекишга шошилади, қолганлар овқатлангани. Баъзиларни эса журналистлар қуршаб олишади. Ана шу ерда иттифоқ раҳбарлари Рижков, Лукьянов, Лаптев ва бошқаларни учратиш мумкин. Лекин Горбачев камдан-кам чиқади. Айтайлик, ўтган учинчи Съездда у бир мартагина чиқувди, холос. Бу гал эса съезднинг иккинчи куниданоқ фуқаролар ҳузурига чиқиб келди. Ким билади, балки съезд очилган куни унга Чечен-ингушиялик депутат, ССЖИ Олий Кенгаши аъзоси грознийлик ишчи 37 ёшли Фажи Умалатованинг танқиди таъсир қилдимикин? Танқидни рўзномалар юмшатиброқ беришди (шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчимизки, Умалатова коммунистлар фирқаси томонидан сайланган юз депутатдан биридир). Аслида Фажи Горбачевни мамлакатни жар ёқасига олиб келганликда аёвсиз айблади ва тўғридан-тўғри: «Михаил Сергеевич, истеъфога чиқинг!» деб Съезднинг кун тартибига ССЖИ Президентига ишончсизлик билдириш масаласини киритишни таклиф қилди.

Овозга қўйилганда бу таклифни қарийб 2 мингга яқин делегатдан 426 нафаригина қўллаб-қувватлади, холос.

Шу боис ҳам Шўро ва хорижий эл журналистлари энг аввало Горбачевдан Умалатованинг танқиди хусусида сўрашди. Михаил Сергеевич қуйидагича жавоб қайтарди: «Очиғи мен ундан хафа эмасман, — сўнг қуйидагини қўшиб қўйди. — Мен шуни сездимки, унда маданият етишмайди. Кейин, нима, мен ўзимни-ўзим ҳимоя қилишим лозимми? Бу ҳақда жамоат ўйлаб кўрсин. Қонунлар мавжуд-ку, ахир. Жамиятимиз шуни англаши керакки, демократияга таяниб ишлаётган фирқага, ҳукуматга бўлган ҳурматсизлик бу халққа бўлган ишончсизликдир».

Тоталитар тўрачилик системаси қачон тугатилади? — деган саволга эса Горбачев: «Мен ҳам унинг тезроқ тугатилиши тарафдориман-у, лекин бу системанинг занжирларини узиб ташлаш унчалик осон эмас экан», — деб жавоб берди.

Шунингдек, Президент бошқа кўплаб саволларга жавоб қайтарди. Хуллас, шу куни журналистлар у билан учрашишганидан хурсанд бўлишди.

Съезд ўз ишини давом эттираяпти. Унда Ўзбекистон жумҳурияти Президенти И. А. Каримов сўзлаган нутқ ҳам ўзининг халқпарварлиги, узоқни кўра билишлиги, ўткир танқиди билан алоҳида ажралиб турди. Анжуманда яна бир қанча ўзбекистонлик депутатлар сўз олишга шайланиб туришибди. Лекин сўз тегармикин уларга?

Ўтган куни, 20 декабрда съездда кутилмаган ҳодиса юз берди. Президентлик Кенгаши аъзоси, ССЖИ ташқи ишлар вазири Э. А. Шеварднадзе истеъфога чиқиши ҳақида баёнот берди.

Тўла масъулият билан айтаманки, — деди у, — диктатура бошланаётир. Бу қандай диктатура бўлади, ким, қандай диктатор келади ва қандай тартиблар ўрнатилади, буни ҳеч ким билмайди... Шундай бўлса-да, мен ишонаман, ишонаман, диктатура ўтмайди, келажак демократия ва эркинликникидир.

М. Горбачев ташқи ишлар вазирининг баёноти унинг учун кутилмаган ҳол бўлганини яширмай мустабидлик ҳақиқатан ҳам хавф солаяптими, деган саволга аниқлик киритди: Гап ҳеч қандай диктатура ҳақида эмас, балки кучли ҳокимият ҳақида кетаётир. Уларни қориштириб юбормаслик керак. Бу тушунчаларни алмаштириш бўларди. Мен Президент сифатида кимдир, қаердадир бизга аллақачон хунта ёки шунга ўхшаш бошқача диктатура тайёрлаб қўйганини тасдиқлайдиган ахборотга эга эмасман — мен эса тўла ахборот билан таъминланаман. Бундай ахборот менда йўқ. Мана шуларни назарда тутиб, мен ўртоқ Шеварднадзенинг тезисига қўшилмайман. Негаки, унда бироз ваҳимачилик кайфияти сезилаяпти.

Тарихчи Р. Медведев эса бу масалага муносабатини билдира туриб, шундай деди: «Эдуард Амвросиевич ўта тажрибали дипломат. Шуни назарда тутиш керакки, дипломатиянинг минглаб йиллик тарихи гувоҳлик қилишича, дипломат айтаётган ҳар қандай гапга ҳам бирданига ишонавермаслик керак». Э. А. Шеварднадзе истеъфосининг сабабларидан бири марказ ва Гуржистон ўртасида етилаётган зиддиятга бориб тақалади.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

Биринчи саҳифага мактуб

Ниҳолгаям умр тиланг-да!

Бировнинг эсида бор, бошқалар унутгандир. Ўтган йили «Ёш ленинчи» бир долзарб мавзуни халқ ҳукмига ҳавола этганди. Янги йилни кутиш тантаналари яқинлашаётган чоғда у устида боз тўхталдик.

Хўш, нелар айтилганди ўшанда?

Байрам хурсандчилиги гўё шамол. Бир пасда ўтади-кетади. Янги йилни кутиш ҳам шу. Дастурхон атрофида тўпланганлар бир-бирларига бахт, узоқ умр тилашади. Қувонч, шодликнинг адоғи йўқ. Аммо улар кайфу-сафо қилишаётганида танаси, илдизидан жудо бўлган арчанинг фарёдини эшитишармикин?

Агар танасига болта урилмаганида у бир оилага бошпана ёки табиат гўзаллигига—гўзаллик улашиб, атрофга хушбўй ҳидини таратиб турмасмиди? Катта шаҳарлар марказидаги «бош» арчани кўрганда юрагинг баттар эзилиб кетади. Эҳ-ҳе уни «ўстириш»га озмунча шохшабба кетганми. Айниқса унинг буталари оёқ-остида сочилиб ётса. Уволда бу, увол! Шартмикин, бир неча кунлик хурсандчиликни, деб ниҳолларни исроф қилиш?!

Афсуски, бунинг моҳиятини англашга вақтимиз йўқдай. Ҳамон ўша-ўша. Арчаларнинг нобудгарчилиги. Алам қилади-да, озиқ-овқат исрофгачилигининг олдини ололмасак, ёнилғини тежаш қўлимиздан келмаса. Ниҳоллар топталса. Нимани эплай оламиз ўзи? Ёки биз борлиқни хонавайрон қилиш учун дунёга келган авлодмизми?

Яна бир гап. Яшил арчасиз янги йилни кутиб бўладими? Йўқ! Аммо йўли бор. Белградликлар буни ҳаётда қўллай бошлашибди. Унга кўра истовчилар Янги йил оқшоми учун арчани махсус идишга экилган тарзда сотиб олишади. Сўнг маросим тугагач ўз боғига ёки йўлак четига экиб қўйишади. Бунга имкон бўлмаган тақдирда тегишли жойга қўнғироқ қилинади ва махсус кишилар келиб арчани олиб кетади. Эртар хўжайини томонидан маълум кун авайлаб асралган ниҳол аввал ундирилган ёки керакли жойга экилади. Бу ҳам иқтисодий маданиятнинг бир йўли. Тўғрида, нима кўп, Янги йилнинг келиши кўп. Бунга арчазор чидайдими?

Мабодо биздаям белградликлар усули қўлланилса-чи? Қанчадан-қанча дов-дарахт — яшил соҳибжамолни бемаврид топталишининг олди олинарди-я. Қанийди, юртимизни яшиллик оғушида кўришни истаган корхоналарнинг масъул раҳбарлари буни шу йилдаёқ жорий этишса. Ўшанда — қадаҳ сўзимиз чоғида кўкариб турган ниҳолнинг пўстидан нола эмас, япроғидан нур сочилиб турарди-я.

Қурбон АЛИ.

Тиббий хизмат бепулми?

Яқин-яқингача бизда тиббий хизмат кўрсатиш бепул, дейишса ишониб юрарканмиз. Бир ўйлаб кўрайлик. Тиббий хизмат ростдан ҳам бепулми? Мен бу билан соғлиқни сақлаш муассасаларидаги порахўрлик ва таъмагирликни назарда тутаётганим йўқ. Пуллик ширкат, пулга даволаётган табибларнинг кўпайиб бораётганини қандай изоҳлаш керак? Ҳам соғлиғимиз ҳукумат томонидан муҳофаза этилаётгани учун ҳақ тўласак, ҳам «бепул» тиббий хизмат қониқтирмаётганлиги туфайли эҳтиёж сезиб пуллик шифохонада даволанишга мажбур бўлсак.

Менимча, иккисидан бири ё одамлар соғлиқни сақлаш соҳасини тасарруф этишга тўлаётган солиқдан халос бўлишлари ёки тиббий ёрдам кўрсатишнинг ҳар қандай пуллик кўринишига чек қўйиш зарур. Яна бир алам қиладиган томони, шифохоналарнинг тоифаларга ажратилиши. Бизда шундай имтиёзли шифохоналар борки, уларда «имтиёзли» кишиларгина даволанишади. Ундай шифохоналарда шароит ҳам яхши, хизмат кўрсатиш савияси ҳам юқори. Керакли дори ҳамиша топилади. Бошқасида эса аксинча. Малҳам қидириб зир югурасан. Даволовчи ҳакимнинг қошқовоғига тикиласан. «Ишқилиб тузукроқ даволаса эди...» Балки биз чет элнинг иш тутумини ҳавас қилаётгандирмиз. Тўғри, у ерда тиббий хизмат пуллик. Хизмат кўрсатиш савияси ҳам шунга яраша. Ҳаким сендан, аниқроғи чўнтагингдан умидвор эмас. Белгиланганини тўлаб даволанавер. Соғломмисан, беҳуда пул сарфлашнинг ҳожати йўқ. Агар бизда ҳам тиббий хизматни нақд пуллик усулига ўтиш кўзда тутилаётган экан, балки бу ёғига «бепул» тиббий хизмат олаётганимизга солиқ тўлашни тўхтатармиз?

Ғанишер АКБАРОВ.
Наманган вилояти
Уйчи ноҳияси.

ТАСС, ЎзТАГ ва ўз мухбирларимиздан

Шу сонга хабар

Дилингизни очинг

МАВЗЕ ШТАБИДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ САВОЛЛАРИНИ КУТИШАЁТИР

Жамият нотинч, армияда ҳам ҳаловат йўқ. Буни, айниқса, жангчиларнинг ота-оналари ҳис этишмоқда. Қаердадир ўғлони битган мактуб ушланиб қолган. Балки у ёзиб улгурмагандир. Ўғли ҳақида қаердан, қандай қилиб билса бўлади?

Туркистон ҳарбий мавзеси сиёсий бошқармаси ҳарбий кенгашида жангчилар ва уларнинг ота-оналари билан ишлаш бўйича катта тажриба тўпланган. **Шу йил 24 декабрь Тошкент вақти билан 15.00 дан 17.00 гача (Москва вақти билан 12.00 дан 14.00 гача) «Қўмондонлик, сиёсий бошқарма — жангчиларнинг ота-оналари: бевосита мулоқот» ўтказилади.** Ота-оналар ўзларини тўлқинлантираётган барча саволларга, Туркистон ҳарбий мавзесининг ҳатто энг олис гарнизонларида хизмат қилаётган ўғилларининг аҳвол-руҳияти ҳақидаги саволларга ҳам мавзе қўмондонлиги, штаб хизмати бўлимлари бошлиқларидан батафсил жавоб оладилар. Бунинг учун қуйидаги телефонлар орқали қўнғироқ қилиш даркор.

Тошкент коди 3712: телефонлар: 33-59-06, 62-04-27, 33-03-35, 44-00-03.

Қўнғироқларингизни кутамиз.

Журналистлар билан учрашув

ССЖИ Ташқи ишлар вазирлиги ахборот бошқармасининг бошлиғи В. И. Чуркин Москвада ўтказган брифингда ССЖИ ташқи ишлар вазири Э. А. Шеварднадзе 20 декабрь куни халқ депутатлари IV съездида истеъфога чиқиш тўғрисида қилган баёнотининг сабаблари ҳақидаги масала диққат марказида бўлди. У вазирнинг съездда нутқ сўзлаганидан кейин ССЖИ Президентига истеъфога чиқиш тўғрисида ариза берганлигини таъкидлади. Э. А. Шеварднадзе давлат бошлиғи тегишли фармон қабул қилгунга қадар Ташқи ишлар вазири вазифасини бажариб туради.

Брифингда вазирнинг съездда қилган баёноти унинг Президент идора усули ва ваколатларига салбий муносабатда эканидан асло далолат бермаслиги таъкидланди. Аксинча, вазир Президентликни ССЖИда демократиянинг ва қайта қуришни давом эттиришнинг кафолатларидан бири, деб ҳисоблайди.

Бошқа баҳона йўқми?

Грузияда сиёсий ҳаракатлар ўртасидаги келишмовчиликлар анча кескинлашди. Жумҳурият Миллий мустақиллиги партиясининг раиси И. Церетели яқинда сайланган ва ўзи вакил бўлган миллий конгресс билан Грузия жумҳурияти Олий Кенгаши ўртасида тотувлик ва ҳамжиҳатликка эришиш мақсадида очлик эълон қилганини айтди.

Талончилар қўлга тушишди

Кечки пайт. Соат чамаси 18 лар атрофи. 16 маршрут бўйича қатнайдиган трамвай Талабалар шаҳарчасининг «Юбилейний» бекатига келиб тўхтади. Бу ерда одам сийрак. Машғулотларга шошаётган талабалар эса бир-бирларини нари-бери туртишиб, трамвайдан тушишга ошиқишарди. Ҳадемай унинг ичида одамлар сийраклашиб қолишди. Нари борса, ўн-ўн беш чоғлик киши қолди, холос. Уларнинг ҳам кўпчилиги аёллар.

Бекатда ўзаро суҳбатлашиб турган уч йигит бир-бирларига маъноли кўз уриштириб олишдида, юришга чоғланаётган трамвайга шошилиб чиқишди. Ўриндиқларнинг кўпи бўм-бўш. Улар йўловчиларга тезгина назар ташлаб олишди: уч эркак, қолганлари хотин-қизлар. Йигитлардан бири — Фахриддин Атакаев ҳайдовчининг ёнига яқинлашди.

— Ҳеч қаерда тўхтамайсан, фақат секинроқ юр. Йўқса, ўзингни ҳам, — у трамвай ҳайдовчисига пичоқ тираб дағдаға қилди. Қолган шериклари эса йўловчиларни бирма-бир «тозалашга» тушдилар. Уларнинг қўлларида ҳам совуқ қурол бор эди. Улар кимнидир пулини, яна кимнингдир қулоғидаги зираги-ю, узугини ечиб олишарди.

Навбат ниҳоят Тошкент шаҳридаги 3-автокомбинат ҳайдовчиси Ҳабибулла Маҳкамовга етиб келди. У ёнидан талончиларга икки сўм чиқариб берди. Бу уларнинг қонини қайнатиб юборди.

— Қанақа йигитсан ўзи. Тағин эркакмиш. Бор-йўғи икки сўмми! Қани чўз-чўз, — дағ-дағa қилди улардан бири.

Ҳабибулла қараса бўлмайдиган. Ёнидаги бор-йўқ пулини шилиб олишадиган. «Мол аччиғи — жон аччиғи» деганларидек у безорилар билан олиша кетди. Улардан бирини Фахриддин Атакаевни қўлида ушлаб турган пичоғини тортиб олиб, зарб билан унга тан жароҳати етказди. Шундагина безорилар саросимага тушиб қолишди. Трамвай тўхтагач эса улар бетартиб қоча бошладилар.

Безорилар бир зумда кўздан ғойиб бўлишди. Лекин қилни қирқ ёрадиган изқуварлар уларни аниқлашга ва иккитасини қўлга олишга муваффақ бўлдилар. Бу ишларни амалга оширишда Тошкент шаҳри Собир Раҳимов ноҳияси ички ишлар бўлимининг ходимлари алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Айни кунда мазкур жиноят иши юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

УЛУҒБЕК НОМЛИ ЖУМҲУРИЯТ ЖАМҒАРМАСИ

ШУ ЙИЛНИНГ бошида ташкил этилган Улуғбек номли истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон жумҳурият жамғармаси корхоналар, ўқув ва илмий марказлар, банк, киностудия ва турли муваққат ижодий гуруҳларни ўз ичига оладиган ўзига хос бирлашмага айланмоқда. Бундан мақсад истеъдодли ёшлар замонавий талаблар даражасида билим ва касбга эга бўлишига кўмаклашишдан иборат.

Янги жамғарма йилни қандай туғаллаётгани ҳақида унинг директори З. ИСРОЙЛОВ қуйидагиларни ҳикоя қилади.

— Бугунги кунга келиб биз салкам ярим миллион сўм маблағга эгамиз. Келгуси йилда жамғарма дастурларини яна шунча миқдорда пул, жумладан, қисман валюта билан таъминлаш тўғрисида келишиб олинди.

Дастурларимиз мазмуни нимадан иборат? Биринчидан, ёшларни мамлакатнинг етакчи ўқув ва илмий марказларига ҳамда чет элларга ўқишга ва тажриба орттиришга юборишга кўмаклашиш кўзда тутилган. Биринчи галда жумҳуриятни ривожлантириш учун зарур бўлган касбни эгаллаш ниятида бўлган ёшларнинг чет тилларни ўрганишини йўлга қўйиш асосий муаммодир. Булар иқтисодиёт, бошқарув, ташқи алоқалар, қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг замонавий тармоқларида ишлайдиган мутахассислардир. Бизнинг кўмагимизда шу йилнинг ўзидаёқ бир қанча мутахассислар АҚШ, ГФЖ, Туркия ва Финляндияда бўлдилар. 1991 йилда бир неча ўнлаб талабалар ва мутахассисларни чет элларга юбориш тўғрисида аҳдлашувга эришилди. Жамғарма иштирокида жаҳоннинг турли мамлакатларида ўқишни ва тажриба орттиришни хоҳловчи мутахассислар ва талабаларга ҳомийлик қилиш йўлга қўйилмоқда.

Иккинчидан, таълим системасини ва илм-фанни ташкил этишни ислоҳ қилишга кўмаклашиш жамғарма фаолиятининг муҳим йўналишидир. Жумладан, шу мақсадда кўплаб одамларни юксак даражада ўқитишга қодир бўлган очиқ радио ва телевизион дорилфунунни ташкил этиш имкониятлари ўрганилмоқда. Ўқитишнинг бундай шакли ҳозирги вақтда шарқий Осиёнинг тез ривожланаётган мамлакатларида кенг ёйилган. Бу ишда уларга кўмаклашиш учун ЮНЕСКО, турли халқаро ташкилотлар ва дорилфунунлар билан алоқалар йўлга қўйилмоқда.

Ана шу режаларни рўёбга чиқариш учун жамғарма ҳузурида ҳозирнинг ўзидаёқ мутахассислар, талабалар ва мактаб ўқувчиларининг қобилият ва истеъдодини аниқлайдиган гуруҳлар ташкил этилди. Истеъдодли ўқувчилар учун ёзги ва қишки «мактаблар» ташкил этилмоқда. Чет тилларда мулоқот қилиш клубларини тузяпмиз. Жамғарма ҳузурида илмий маслаҳат берадиган, ўқитадиган ва жорий этадиган бир қанча кичик корхоналар ишлаб турибди. Булар «Зафар», «Деҳқончилик тараққиёти», «Яксарт», «Хислат» фирмаларидир. «Улуғбекфильм» киностудияси ташкил этилиб, халқимизнинг илмий ва маданий меросини, жумҳуриятни иқтисодий ва илмий-техникавий ривожлантириш муаммоларини тарғиб қилувчи фильмлар яратилади. Жамғарма ҳузурида «Ипак йўли» иновация-тижорат банки ташкил этилди ва ишлаб турибди. Банк жамғарма дастурини амалга ошириш учун имтиёзли тарзда қарз бериш мақсадида корхоналарнинг эркин маблағлари жамланишини таъминлайди. Янги йилдан бошлаб халқаро таълим ва илмий-техникавий айирбошлаш шўъбасини туза бошлаймиз.

Жамғармамиз тадбирларини пул билан таъминлаш учун кўп маблағ зарур. Биз ҳозир жумҳурият қийин аҳволда эканлигини биламиз, бироқ биз унинг заковатли кишиларига, қобилиятли ёшларига сармоя сарфлаш энг мақбул иш бўлишини ёдда тутишимиз лозим. Шу нарса сир эмаски, кўпгина корхоналар ва ташкилотлар ҳозир, йилнинг охирида тежалган бюджет маблағларига ва ўзларининг анчагина жамғармаларига эгадирлар. Биз маблағларингизни «Улуғбек» номли жамғармаларга сарфлашингизни таклиф этамиз. Бу шунчаки меҳр-мурувват тадбири бўлиб қолмай, балки корхонангиз тараққиётига қўшилган ҳисса бўлади. Ана шу маблағлардан сизларнинг розилигингиз билан, асосан истеъдодли ёшларга мадад бериш, мутахассисларни ўқишга ва тажриба орттиришга юбориш, янги типдаги ўқув ва илмий муассасалар ташкил этиш ҳамда халқаро илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш учун фойдаланилади.

Бизнинг ҳисоб рақамимиз 004700008 ОПУ уй-жой-ижтимоий банки. Тошкент шаҳри, МФО 73427.

(ЎзТАГ).

Иқтисодиёт ва экология

Чиқиндисиз технология

Иқтисодиёт келажаги — бу аввало экология талабларига риоя этган ҳолда кам чиқинди чиқарадиган ва чиқиндисиз технологиядир. Руда ва бирламчи хом ашёнинг борган сайин тақчил бўлиб бораётганлиги эътиборимизни чиқиндилар ҳамда иккиламчи хом ашёга қаратишга мажбур этаяпти. Бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўлами бекиёсдир. Ахир ер қаъридан қазиб олинаётган хом ашёнинг фақат 20 фоизи тайёр маҳсулотларга айлантирилиб, қолган 90 фоизи эса биосферани заҳарловчи чиқиндиларни ташкил этади.

Халқ хўжалигининг ғоят турли соҳаларида чиқиндиларни қўллаш ўзини оқлаши юқори даражада эканлиги билан характерланади. Шлаг, шам қолдиғи, фосфогипс сингари чиқиндилардан фойдаланиш тажрибаси ана шу соҳага сарфланган капитал маблағларни тез қайтаришидан далолат бериб турибди.

Фарғона вилоятининг корхоналарида чиқиндисиз технологиянинг имкониятларидан қандай фойдаланилмоқда? Қўқон ёғ-мой комбинатида чиқиндилардан қимматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш тажрибаси тўғрисида тўхталиб ўтишни истардим. Бу ҳақда кўп маротаба хабар қилинган. Бу ерда ёғнинг камёб хиллари — анор, шафтоли, ўрик, олча ва бошқа ёғлар ишлаб чиқарилади. Ана шу ёғлар атир-упа ва озиқ-овқат саноатида кенг қўлланилади. Бу маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг хом ашёси бўлиб данаклар хизмат қилади. Бироқ комбинатнинг янги бўлими ҳатто ёз ойларида ҳам тўла қувват билан ишлаши учун хом ашё билан тўла таъминланмаган.

Нима учун? Хом ашё етишмайди (улар жумҳуриятимизда ҳаддан зиёд кўп). Гап шундаки, қўқонлик озиқ-овқат соҳасида ишловчиларнинг доимий хом ашё билан таъминловчилари йўқ. Деҳқончилик саноати комплексининг қайта ишловчи заводлари ана шу хом ашёни қаерга ташлаяпти? Улар Қўқонга эмас, балки ахлатхонага тўкаяптилар. Ана шундай қилиш уларга қулай. Жумҳурият учун эса бу зарар. Катта миқдорда ўзида ёғни сақловчи кўпгина миқдордаги тайёр хом ашё нобуд бўлмоқда. Ўзингиз мулоҳаза юритиб кўринг: қовун уруғи ўзида 40 фоизгача, қовоқ уруғи 35 фоизгача, помидор 32 фоизгача, тарвуз уруғи 27 фоизгача, анор донаси 18 фоизгача ёғ сақлайди.

Бундай ҳолдан чиқишнинг иложи нимада? «Вторсырья» корхоналарини данаклар тайёрлашга жалб этиш зарур. Шунингдек, умумий овқатланиш корхоналари, санаторийлар, қашшофлар лагерлари, бошқа корхоналар ҳам ана шундай хом ашё тўплашга ҳисса қўшишлари мумкин.

Қўқон ёғ-мой комбинатида яна бир қизиқарли ва истиқболли иш амалга оширилаяпти. Бу ерда тиббиёт сорбентлари ишлаб чиқаришнинг саноат линияси ташкил этилган. Бунинг учун чақилган мева данаклари хом ашё бўлиб хизмат қилади. Сорбентлар ёрдами билан инсон аъзосидан гемо ва энтоśw сорбция усули билан зарарли моддаларни чиқариб ташлаш мумкин. Бундан ташқари Қўқон озиқ-овқатчиларининг бошқа ижодий муваффақиятлари ҳақида ҳам ҳикоя қилиш мумкин. Масалан, пахта чаноғидан «В» маркали оҳу кислотаси, кунжарадан техник фитин ва озуқа оқсили олинмоқда.

Қувасойдаги ойна идишлари заводида манзарали идишлар ишлаб чиқариш юзасидан тажриба цехи ишлаб турибди. Бу ерда рангли вазалар, оригинал кулдонлар, бошқа буюмлар чиқарилмоқда. Бунга хом ашё бўлиб синган шишалар хизмат қилмоқда. Марғилондаги ёғочни қайта ишлаш заводида қипиқдан плиталар ишлаб чиқариш цехи бор. Бу янги технологияни ўзлаштириш уни хом ашё билан таъминлаш қийинлиги учун қизиқарли бўлгани йўқ. (Бу ишда қийинчиликлар мавжуд, албатта). Энг муҳими, бошқа муаммо: ишлаб чиқариш чиқиндиларидан — қипиқлардан ва қириндилардан қандай фойдаланиш керак? — деган масала ўткир бўлиб турарди. Ана, шунда корхона мутахассислари чиқиндисиз технология устида бош қотирдилар.

Сунъий чарм заводда ишлаб чиқариш чиқиндиларидан халқ истеъмоли учун моллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шойи комбинатида халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш икки каррага кўпайтирилди. Бунга касаначилик участкаси ташкил этилганидан кейин муваффақ бўлинди. Қизлар учун шоҳи дурралар, аёллар миллий шалварлари, чорси кўйлаклар, турли хил ёстиқ жилдлари — буларнинг барчаси асосий ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тикилмоқда.

Иккиламчи ресурслардан омилкорлик билан фойдаланилиб, қўшимча даромадлар олинаётганлиги тўғрисида кўплаб бошқа мисолларни келтириш мумкин. «Чиқинди — даромад» формуласи бугунги кунда кўпгина ишлаб чиқарувчилар учун таниш сўз билан қолди. Бироқ, шунга қарамай, ҳали кўпгина ҳолларда чиқиндилардан ҳақиқатан ҳам даромад олишга эътибор бермаслик ҳоллари ҳам оз эмас. Хўжасизлик муносабатида бўлаётганларни излаб узоққа боришнинг ҳожати йўқ.

Кўпинча ўз-ўзингга иккиламчи хом ашёларни йиғадиган пунктлар бизда нега етарли эмас? — деган саволни берасан. Нима учун улар, одатда назоратсиз ишлайдилар? Нима учун бизда ана шу соҳада тўпланган тажриба суст жорий этилаяпти?

Мисол учун Ленинградни олайлик. Бу ерда рўзғор чиқиндиларини механизациялаштирилган қайта ишловчи завод ишлаб турибди. Корхона том маънода чиқиндисиздир. Оҳангробо сепарация ахлатлардан қора металларни йиғиб олиб, махсус қурилма эса рангли металларни саралайди. Пластмассаларга пиролиз таъсири остида ишлов бериш натижасида пирокарбон, металлурглар учун ғоят қимматли бўлган модда ва ёнувчи газ олинади.

Мана шу Ленинград шаҳрининг ўзида «Ёш техник» савдо бирлашмаси ишлаб турибди. У ноконденцион маҳсулотлар ва саноат корхоналарининг чиқиндиларини сотиш орқали йилига миллион сўм даромад олмоқда. «Моҳир қўллар» секциясида 650 гача номдаги молларнинг навини санаш мумкин. Аввал ана шу бойлик пресcланиб ташланар, шунчаки ёқиб юборилар эди.

Ҳар қандай қурилиш замин учун хондақа қазишдан бошланади. Буни ҳар бир киши билади. Лекин ҳар бир қурилиш фақат мана шундай катта хондақалар қазишнинг ўзи билан туғамаслиги аён. Қурилиш туғаганидан кейин турли хил қувурлар, панеллар, плиталар, ғиштлар ва ҳоказолар ахлат ташланадиган жойга кўмиб юборилларди. Иқтисодчилардан бирор бир киши мана шундай чиқинди бинокорлик материаллари ҳар йили қанча миқдорда ташлаб юборилишини ҳисоблаб кўрганмикан? Бу фақат Фарғона вилоятигагина тааллуқли эмас. Агар уни жумҳуриятимиз бўйича ҳисоблаб кўриладиган бўлса, катта рақамни ташкил этиши шубҳасиздир.

Бурчаклари синган панеллар қаерга кетаяпти? Ахлатхонагами ёки хондақагами? Яримта ғиштлар-чи? Ўша ерга. Ахир бурчаклари синган панель — дала ҳовли уйи учун тайёр девор-ку. Шунингдек, боғ участкаларда яримта ғиштлар, кесилган қувурлар ва бошқа қурилиш чиқиндилари асқотиши турган гап.

Гидролиз лигниндан фойдаланиш ҳақида бир неча оғиз сўз. Фарғонадаги фуран бирикмалари заводини олайлик. Андижон ва Янгийўл гидролиз заводларида ҳар йили лигнин сифатида 250—300 тонна чиқинди ҳосил бўлади. Уларнинг 60 фоизига яқини ташлаб юборилади. Бундан бир неча йил муқаддам лигниндан бурғалаш пайтида қўлланиладиган реагентларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш мумкинлиги исботланган эди. Шунингдек, реагентлар оқава сувларни тозалаш, ҳимоя ёпқичларга, лак, клей ва бошқалар олиш учун қўшиш учун фойдаланиш мумкин.

Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг кимё билимгоҳи олимлари гидролиз заводлари чиқиндилари асосида янги органик минерал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқдилар. Бу тупроқ унумдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Чиқиндисиз технология — иқтисодиётимизнинг эртанги куни. Чиқиндилардан фойдаланиш йўлларини тезроқ жорий қилиб, барча ахборотларни бир ерга тўплаш ва иккиламчи ресурсларни ишлаш учун яроқлиларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш муҳимдир. Бу ишга ғоят ғайрат-шижоат билан киришиш керак. Чунки тез кунларда иқтисодиётимиз бозор муносабатлари изига ўтказилади.

Г. НЕКЛЕССА,
муҳандис.

БИРИНЧИ БЎЛИШ БАХТИ



Одатдаги иш кунларининг бири хонага ўрта ёшлардаги бир киши кириб ўзини Пўлат Абуллаев деб таништирди. У киши Хоразмнинг биринчи ўқитувчиларидан бўлган Поляз Абдуллаевнинг ўғли экан.

Поляз Абдуллаев 1908 йилда Хива ноҳиясидаги Гандимён қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган. 1924-30 йилларда Коромон қишлоғида агроном, 1931-1933 йилларда Хива педагогика билим юртида, 1939 йилдан то умрининг охиригача К. Ворошилов номли мактабда химия ва биологиядан дарс берган.

Яқинда П. Абдуллаев таваллудига 82 йил тўлади. Шу муносабат билан жамоатчиликнинг талабига кўра Хива шаҳрининг кўчаларидан бири унинг номи билан аталмоқда.

Хива шаҳар ижроия қўмитаси томонидан «Ичан — қалъа»да эски «Рус — туземъ» мактаби биносида жумҳуриятда биринчилардан бўлган халқ таълими маорифи музейи очиш мўлжалланган. Ҳозирги кунда «Ичан — қалъа» музей — қўриқхонаси раҳбарияти ва жамоатчилик асосида фаол иш олиб борилмоқда. Музей ичкариси тўлиқ жиҳозланиши лозим. Бунинг учун катта маблағ талаб этилади. Мазкур музей вилоятнинг маорифи маданияти ва тарихини акс эттирувчи катта бир манба бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бу хайрли ишни тезроқ амалга оширишни истовчилар йўқ эмас.

Музей таъмирланишига маблағ етишмаётганлигини Пўлат ака куюниб айтдилар. Балки музей таъмири ва жиҳозини қоплашга кетадиган маблағ йиғиш учун алоҳида жамғарма очиш лозим бўлар. Ана шундай жамғарма ташкил этилса, бу хайрли ишга Поляз Абдуллаевнинг минглаб шогирдлари бефарқ қарашмас. Устоз ҳаққи-ҳурмати, биринчи бўлиш бахтини ҳар бир онгли шогирд яхши ҳис эта олади.

СУРАТДА:
П. АБДУЛЛАЕВ.



Кремлнинг Съездлар саройида мамлакат халқ депутатларининг тўртинчи съезди давом этмоқда. Ниҳояси кўринмайдиган баҳс-мунозаралар, эътирозлар эшитилмоқда бу саройдан. Ўз вакилларининг қатъиятли қарорига умид қилиб, жойларда оддий меҳнаткашлар одатдагидек ўз вазифаларини уддаламоқдалар.

Сиз суратда кўриб турган илғор тўқувчи Малика Юсупова ҳам миллионлардан бири. У Самарқанддаги шойи тўқиш бирлашмасининг 1-тўқув цехида меҳнат қилади. Малика ва миллионлаб маликалар режаларини бажаришаяпти. Аммо Иттифоқда ҳукм сураётган иқтисодий инқирознинг чеки кўз илғамас. Янги йилга, яхши кунларга умид қилиб яшайсан киши.

Ғ. АЛИЕВ олган сурат

Хориждан хабарлар

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● БАЙРУТ. Исроилликлар босиб олинган Ливан ҳудудида тузган «Жанубий Ливан армияси» бўлинмалари Ливанга ҳужум қилди. «Ас сафир» рўзномасининг хабар қилишича, 70 аскардан иборат коллаборационистлар 7 та бронетранспортёрда босиб олинган зона чегарасидан ўтиб, Хасбайя шаҳридан шимолроқда Ливан ҳудудига етти километр кириб бордилар. Босқинчиларнинг ҳамтовоқлари партизанлар гуруҳини таъқиб этиш баҳонасида чор-атрофни ва яқин жойлашган аҳоли пунктларини тинтиб чиқдилар. Жазолаш отрядининг ҳаракатларига замбаракҳлардан тўхтовсиз ўт очиб ёрдам бериб турилди.

● ҚОҲИРА. Ноябрь ойида Исроилда ўтказилган жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижаларига кўра, фикри сўралганларнинг фақат 33 фоизи мамлакатдаги сўл партияларни қўллаб-қувватламоқда, деб хабар қилди Исроилда чиқадиган «Давар» рўзномаси. Бу 1988 йилда ўтказилган ялпи сайловдагидан етти фоиз кам. Ўнг партияларнинг «Ликуд» блоки сайловчилар беш фоизи овозидан маҳрум бўлди.

Маҳаллий шарҳловчиларнинг фикрича, сўраб билиш натижалари тобора кўпроқ исроилликлар Исроил босиб олган Араб ҳудудларидаги фаластинликлар чиқариб юборилиб, у ерда яҳудийлар яшаши учун янги жойлар қурилишини ёқлаб чиқаётган ўта миллатчи партияларни афзал кўраётганидан далолат бермоқда. Бунга уч йилдан бери давом этаётган Фаластин қўзғолони ва Форс кўрфазидаги танглик сабаб бўлди.

Маълумки, 1990 йил июнь ойида «Ликуд» диний ва ўта миллатчи партиялар билан ҳукумат коалициясини тузган эди. Бу ҳукумат Исроил бутун тарихидаги энг ўнг ҳукумат ҳисобланади.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон тўлов мувозанати танқислиги билан боғлиқ иқтисодий муаммоларни ҳал этиш мақсадида халқаро валюта фонди (ХВФ)дан катта миқдорда қарз олиш имкониятларини кўриб чиқмоқда. Бу ерда маълум бўлишича, бу ҳақда молия вазири Яшвант Синха жумҳурият молия вазирлиги ҳузуридаги парламент маслаҳат қўмитасининг мажлисида маълум қилди.

Ҳозир мамлакатдаги тўлов мувозанатининг танқислиги 120 миллиард рупийга етган ва иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига кўра, март ойида туғайдиган ҳозирги 1990—1991 молия йилининг охирига бориб, 130—140 миллиард рупийни ташкил этади. Биринчи навбатда, Форс кўрфазидаги танглик туфайли вужудга келган ўта мураккаб вазиятдан чиқиш учун Ҳиндистонга камида 36—40 миллиард рупий зарур.

«Индиан экспресс» рўзномасининг гувоҳлик беришича, ҳукумат ёрдам сўраб ХВФга қилинадиган мурожаатнинг сиёсий товони сифатида бир қанча моллар учун билвосита солиқларни ошириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқмоқда. Бу солиқлар бойларга ва ўрта табақа вакилларига даҳлдордир. Хусусан, сигареталар, кофе, цемент ва пўлатнинг нархини ошириш режалаштирилган.

Бевосита солиқларга келганда эса, молия вазирлиги 75 минг рупийдан кўп даромад учун ҳозир олинадиган 8—12 фоиз солиқни ошириш тўғрисида таклиф киритди. Шунингдек, йиллик соф даромади 200 миллион рупийдан ошадиган компанияларга, айниқса, катта солиқ солиш имконияти муҳокама қилинмоқда.

Ҳукумат қўшимча билвосита ва бевосита солиқлар жорий этиш ва бошқа чоралар кўриш йўли билан шу молия йили охиригача қўшимча равишда деярли 13,5 миллиард рупий олишдан умид қилмоқда.

(ТАСС).

ВАКОЛАТНИ КЕНГАЙТИРИШ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА

ПРАГА. (ТАСС мухбири Игорь Шамшин). ЧСФЖ федерал кенгашида вакиллари бўлган Чехия жумҳуриятининг сиёсий партиялари давлат бошлиғига вақтинча каттароқ ваколатлар бериш тўғрисида Чехословакия президенти илгари сурган таклифга турлича муносабат билдирмоқда, деб хабар қилади ЧТК ахборот бошқармаси.

ЧСФЖ президенти Вацлав Гавел ўз ваколатларини кенгайтириш тўғрисидаги таклифни 10 декабрда киритган эди. Ўшанда у марказий ва жумҳурият бошқарув идоралари ўртасидаги ваколатларни фарқлаб қўйиш ҳамда мамлакат сиёсий системаси институтлари самарали ишлаши кафолатлари хусусида ЧСФЖ федерал кенгаши депутатларига мурожаат қилган эди, деб эслатади, ахборот бошқармаси.

ЧСФЖда ҳозир «Фуқаролар анжумани» партиясига айланаётган энг нуфузли сиёсий ҳаракат давлат бошлиғининг ҳуқуқларини кенгайтириш мантиқан тўғри бўлади, чунки президентлик жамият ривожланиши учун муҳим бирлаштирувчи омил бўлиб қолиши керак, деб ҳисобламоқда.

Ушбу расмда тасвирланган махлуқ сифат башарани кўриб ажабланмайсиз. Кейинги кунларда бу башаралар баъзи хонадонларга тез-тез «ташриф» буюрадиган бўлишган. Қанчалик ҳаракат қилинмасин Оврўпо маданиятининг «илғор»лари ўз мақсадларига эришмоқда. Катта экран, видеотомошагоҳларини қўяверинг, Амриқо киносининг маҳсулотлари хонадонларимизгача етиб келди. Ишқилиб у ёқларда содир бўлаётган воқеалар бизда рўй бермасин-да. Ҳаммасига Флорида штатининг Сарасота шаҳар рўзномасида чиққан «Ҳар ким кўнглига ёққан ниқобни сотиб олиши мумкин. Баҳоси 75 доллардан 350 долларгача» деган эълон сабабчи.



СУРАТДА: «Дизгайзез анлимитед» фирмаси маҳсулоти.
ТАСС сурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

● РУАНДИ, Бурунди ҳамда Марказий Африкада яшовчи тутсилар жаҳонда энг баланд бўйли кишилар яшовчи қабила ҳисобланади. Бу қабила эркакларининг бўйлари ўртача 183 сантиметрдир. Мбути қабиласида эса ер юзидаги энг паст бўйли кишилар яшашади. Эркакларнинг бўйлари ўртача 137 сантиметр бўлса, аёлларники — 135 сантиметрдир.

* * *

Америка фуқароси Йон Бровер Миннок сайёрамиздаги энг вазни оғир фуқаро саналади. Болалигидан семириб кетиш касалига мубтало бўлган Миннокнинг бўйи 185 сантиметр бўлган ҳолда оғирлиги 635 килограмм эди. Уни касалхонага ётқизиш учун 20 нафар ўт ўчирувчи керак бўлди. Бақалоқ Йонни бир томондан иккинчи томонга ағдариш учун 13 киши хизмат қилган.

ГУЛЛИВЕРЛАР СЪЕЗДИ


● АВСТРИЯНИНГ Линц шаҳрида баланд бўйлилар съезди ўтказилди. Бу ғаройиб анжуманда бўйи 190 сантиметрдан кичик бўлмаган эркаклар ҳамда бўйи 180 сантиметрдан паст бўлмаган аёллар қатнашиши мумкин эди. Бўйи «атиги» икки метр 20 сантиметр бўлган голландиялик Р. Брунтайн исмли киши ғолиб деб топилди.

РЕСТОРАН ЭГАСИНИНГ ТАДБИРКОРЛИГИ

● ГЛАЗГО шаҳридаги ресторанлардан бирининг эгаси хўрандаларни кўпроқ йиғиш мақсадида қуйидаги эълонни осиб қўйди: «Бугундан бошлаб ресторандан охирги бўлиб чиқиб кетган кишига эртасига бепул хизмат қилинади». Эълондан сўнг ресторан хўрандалар билан шунақанги тўлиб кетди-ки, уларни фақат ҳайдаб чиқаришга тўғри келди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Нуқтаи назар



ЎЙЛАШ АЗОБИ

Шоир Икром ОТАМУРОДОВ билан мусоҳаба

1

— Икром ака, биз ўтмишга тош отиб ўрганиб қолдик, шекилли. Нима деб ўйлайсиз — ўтган етмиш йил мобайнида босиб ўтган йўлларимиз, кўрган кунларимизни бус-бутунлигича қоралаб ташласак, инсофдан бўлармикан! Халқимиз ёруғ кунлар ҳам кўрган-ку.

— Тарихдан ҳеч нарсани ўчириб бўлмайди. Ҳар қандай воқеа-ҳодисалар хотирада ва битикларда муҳрланиб қолади, энг муҳими, уларни тўғри таҳлил этиш. Ёруғ кунлар мисолида маълум йилларни алоҳида ажратиб кўрсатиш нотўғри. Нисбийлик деган гап ҳам бор-ку! Мен қачондир шоён бўлган ёруғ кунларни ўтган азобларнинг ҳосиласи, деб тушунаман.

Ҳалол нуқтаи назар билан қарасак, барибир Улуғ Ватан уруши йилларидаги ғолиблик тарихда қолади, негаки, бу даврда ҳақиқий маънодаги дўстлик шаклланган. Сиз айтгандек, етмиш йилни бутунлай қоралаб ташласак, биз яшамаган бўлиб қоламиз. Нима бўлса ҳам, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз»и, Ойбекнинг «Навоий» романлари ўша йилларда — жаҳолат ичидаги нурдек бўлиб яратилганлиги аниқ-ку!

Бизга одамзод тарихини жамиятларга, тузумларга бўлиб ўргатишди, яшаб турган давримизни «социализм» деб тушунтиришди.

Ваҳоланки, ҳар қандай сиёсий қурилма ҳам қолипга ўхшайди. Қолип силлиқми, чиройлими, барибир қолип-да! Ундан фақат бузиб ташлаш йўли билангина қутилиш мумкин. Ҳар қандай ҳаракат йўналишига ҳаёт ва инсон нуқтаи назаридан қаралса дуруст. Сиз айтган йилларда асосан ташқи ҳолатларга ружу қўйилди. Ёнма-ён кетаётган одамлар бир-бирини англамади, кўнгилларга хавотир уруғлари сепилди. Бундай кайфият оиладаги турмуш тарзидан тортиб, яхлит тикланган сиёсий иншоот ғиштларининг қоришмаларигача сингдирилди. Шу боис, одамлар бир-бирлари билан кўнгилдан чиққан самимий сўзлашув тарзида эмас, қанақадир совуқ, расмий муомала қилишга ўрганиб қолдилар. Мурвати буралса юрадиган, тортилса тўхтайдиган «механизмлар» кўпайиб кетди. Қисқаси, қоронғудаги юлдуз кўнгилларга таскин бергани каби ёруғ кунлар ҳам — Умид бағрида!...

— Ҳар қандай даврда иқтисодий, сиёсий, диний, ижтимоий ихтилофлар бўлган. Лекин кўпчилик, шу бугунга келиб, айниқса, миллий низолар кучайиб кетди, деган фикрда...

— Ҳар қандай низо эркка бўлган интилишдан келиб чиқади. Биласизки, дард мадда бойлаган жойда портлаш бўлади. Миллий низоларнинг илдизини мен ижтимоий нотенгликда деб биламан. Биз бугун миллий низолар деб айтаётган қўзғалувларнинг томири тарихда эрк учун бўлган курашга бориб уланади, Спитамен Муқанна қўзғонлонларини бир эсланг! Ҳозир ҳамма жойда ўзликка қайтиш, ўзликни англаш жараёни кечмоқда. Бинобарин, бир элнинг иккинчисига нисбатан беписандлиги бундан ҳам ёмонроқ оқибатларга олиб келиши мумкин. Дунёда бирорта мустамлака юрт қолмаган, ҳатто Африкадаги майда миллатлар ҳам ўзлигини англаб олган бир шароитда сиёсий зўравонлик ҳеч бир халққа ёқмайди-да! Рус миллатига хос бўлган кўпгина биродарларимизнинг иззатталаб бўлиб қолганликларини бугун бемалол айтиш мумкин. Улар бизнинг урф-одатларимизни қай даражада қадрлайдилар? Ўзбекистонни Ватан деб тушунадиларми? Жумҳуриятимизнинг мустақиллиги хусусидаги фикрлар уларни қувонтирадими? Пушкин бизга бегона эмас, шунингдек, Навоийни ҳам қизғанишга ҳаққимиз йўқ. Иззат-ҳурмат икки томонлама бўлиши керак-да. Шу ўринда бир мисол келтирай — «Диалог» ойномасининг 1990 йил 2-сонида озарбайжон ёзувчиси Чингиз Ҳусейнов билан рус мақоланависи Вячеслав Недошвиннинг «Сенинг маданиятинг меники ҳам» деб номланган суҳбатида мақоланавис тилидан шундай бир воқеа келтирилади: «...Биласизми, бир гал мен Амриқода қизиқ ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Оддий шаҳар автобусида театрдан қайтаётган эдик. Бекатларнинг биридан негр миллатига мансуб эркак ва аёл чиқишди. Афтидан эру хотин эди. Уларга, худди шундай оқ танли эркагу аёл жойларини бўшатиб беришди. Олдинига биз, бу оқ танлилар тушишга ҳозирлик кўришаётган бўлса керак, деб ўйладик. Улар навбатдаги бекатдан ўтишганидан кейин йўлбошловчидан бу ҳолни тушунтириб беришни сўрадик. Йўлбошловчининг гапига қараганда, улар уялишибди. Ҳозирги амриқолик зиёлиларнинг аксарият гуруҳи, ота-боболарининг туб жой негрларига нисбатан қилган ноҳақликлари учун изза тортишар экан. Шунинг учун ҳам улар бу ирқнинг бугунги вакилларига ҳурмат билан муносабатда бўлишаркан...»

Келтирган мисолимда гап автобусда бўшатиб берилган бир-икки ўрин хусусида эмас, балки ўйлаш азобининг борлигида, маданиятнинг бирлигидадир. Дунёда бегона маданият йўқ, бироқ маданиятсизлик мавжуд.

Халқларни сиёсий зўрлик билан тинчитиб бўлмайди, улар юксак маданият туфайлигина бирлашиши мумкин.

— Икром ака, ҳозир ким билан суҳбатлашманг, меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётганидан нолийди. Сизнингча, меҳрсизлик қандай ҳолатларда, қандай кўринишларда намоён бўлмоқда!

— Диёнатсизлик, имонсизлик азалдан мавжуд эди. Бу қусурлар очиқчасига гаплаша бошлаган пайтимизда яққолроқ сезилиб қолди, холос. Аслида яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам инсон билан бирга туғилиб, унинг вужудида имкон кутиб яшайди. Масалан, кимлар учундир мансаб биқиниб ётган иллатларини юзага чиқариш учун имкон вазифасини бажаради ёки аксинча... Одамлар ўртасида юрган пайтда шахсни англаш қийин. Яхшилар ҳамиша кам бўлган, акс ҳолда, жаҳолат бунчалик илдиз отмаган бўлур эди.

Меҳр-оқибат масаласига келсак, одамларнинг хавотирларида жон бор. Ибн Сино: «Халқни очлик эмас, очкўзлик ўлдиради», деган эди. Тирикчилик ташвишларидан ортолмай, кунлик даромаднинг қулига айланиб қолган, кишиларда меҳр-оқибат қаёқдан бўлсин! Меҳрсизлик ҳар қадамда, ҳар хил кўринишларда намоён бўлмоқда: биров тиқилинч автобусга сизнинг кўнглингизни депсаб чиқиб кетса, иккинчиси навбатда турган пайтингизда дилингизни оғритади, ака синглисига қилган яхшилигини миннат қилади. Ҳатто, айрим кишилар ўз мавқеларидан фойдаланиб бир шахснинг шаънинигина эмас, бутун бир халқнинг қадрини, ўтмишини ҳам пулга алмаштириб юборгудек бир ҳолга келиб қолганлар. Сизга бир мисолни айтиб берай: яқинда «Экран янгиликлари» (1990 йил 24—30 сентябрь) рўзномасида кинорежиссёр Али Ҳамроев раҳбарлигида Амир Темур ҳаётига бағишланган фильм яратиш мўлжалланаётгани ҳақидаги хушхабарни ўқиб қолдим. Хабарда шундай ёзилади: «Амир Темур ҳақидаги киноқиссани ўзбек киноси тарихида илк бор италиялик киночилар билан суратга олишга эришилди. Италиянинг «Интернеешиосингма» кинокомпаниясига қарашли «Чи-чи» студиясида фильмга ҳозирлик кўрилмоқда. Фильмга кинооператор Тонино де Келли, кийимлар бўйича мусаввир Энрико Саботини, бош мусаввир Б. Ларро каби машҳур санъаткорлар жалб этилган. Амир Темур ролига жаҳон кино юлдузларидан бири Шон Коннори таклиф этилди...»

Бундан ҳам қизиғи хабарнинг охирроғида келади. Қулоқ солинг: «...Жумҳуриятимиз томошабинлари учун мўлжалланган фильмда урф-одатларимиз, шарқона характерлар, ўрта асрдаги хотин-қизларимиз қисмати, фан ва маданият ютуқлари ўз аксини топган...»

Энди бошқа бир далилга диққатингизни тортаман. «Собеседник» ҳафтаномасининг 1989 йил 4-сонида

2

мўғул ёзувчиси ва кинорежиссёри Сэнгийна Эрдэнэ билан «Комсомольская правда» рўзномаси мухбири Леонид Арихнинг «Чингизхоннинг қайтиши» деган суҳбати эълон қилинганди. Кинорежиссёр ёзади: «Мўғулистонда Чингизхон ҳақида бирорта кино ҳам, китоб ҳам йўқ. Ҳатто Чингизхоннинг номи унутилиш даражасига етди. Машҳур қирғиз кинорежиссёри Толомуш Океев Чингизхон ҳақида биргаликда кино яратайлик, деб маслаҳат солганда, биз чуқур ўйлаб қолдик... ич-ичимиздан зил кетдик, азобландик ва узоқ сукутдан кейин ҳамкорликни рад қилдик. Улуғ хон ва унинг даври хусусида ўзимиз назар ташлайдиган пайт етди деган қарорга келдик...»

Энди мўғулларнинг тутган йўли билан бизнинг режаларимизни солиштириб кўриб, ўзингиз хулоса чиқаравеаринг! Асосий ижрочилар насроний бўлгани ҳолда, қандай қилиб миллий урф-одатларимизни оча оламиз! Ахир бу кино Шон Коннори учун эмас, Амир Темур учун юзага келиши керак эди-ку! Наҳотки, 20 миллион ўзбекнинг ичида Темур ролини ўйнай оладиган бирорта абжир топилмаса! Қолаверса, Темур уруғи бутунлай ном-нишонсиз йўқолиб кетган эмас, Барлос уруғи яшаяпти — Китоб билан Шаҳрисабз оралиғида. Уларнинг орасидан ҳам Темур ролини ўйнашга номзодлар излаб кўриш мумкин эди, санъат тарихида бунақа воқеалар кўп бўлган-ку! Бунинг устига қон тортади, деган гаплар ҳам бор. Асъор учун биз кино юлдузларини фильмларимизда суратга тушишга таклиф этамизу, буюк бобомизнинг ғурури, халқимизнинг қадри ҳақида ўйламаймиз. Асъорга маҳсулотни, буюмни, сотиш мумкин, бироқ ғурурни, қадрни алмаштириб бўлмайди-ку! Модомики, Темур ҳақида кино яратиш нияти туғилган экан, уни дуч келган асар асосида суратга олиш ҳам инсофдан эмас. Ахир кейинги йилларда қанчадан-қанча тарихий ҳақиқатлар юзага чиқди. «Темур тузуклари» матбуотда чоп этилди. Фикримча, мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, Темур ва унинг даври ҳақида киноқисса яратиш учун танлов эълон қилиш ва танланган асар жамоатчилик назаридан ўтгандан кейингина амалий иш бошлаш керак эди. Аҳвол шу бўлса, қачон ўзимизнинг миллий киномиз яратилади — билмадим...

Суҳбатимиз мавзусидан четлаб кетмадимми?

— Йўқ-йўқ, гапираверинг!

— Биз меҳр-оқибат ҳақида гаплашаётгандик. Ўтмишга беписандлик, буюк аждодларимизнинг қарашларига бўлган лоқайдликни меҳрсизликнинг энг ёмон кўриниши, деб ҳисоблайман. Худди мана шу пайтда менда ўйлаш азоби пайдо бўлади...

— Ўйлаш азоби деганда нимани назарда тутаяпсиз!

— Ўйлаш азоби — миллатнинг қадри, халқнинг ғурури, элнинг ор-номуси, ўзлигингни англаш ва унга ҳурматдир. Шулар тўғрисида ўйлай бошласам, ўйлаш — азобга айланади. Негаки, биз мана шу қадриятларимизни унутиб қўйдик. Енгил ҳаётга иштиёқмандлик, билмадим, биз бу иллатни қачон ва кимдан юқтирган эканмизки, бу нарса бизни кўп имкониятлардан маҳрум қилиб қўйди.

Демоқчиманки, мана шу ўйлаш азоби одамларнинг онгида камолга етмас экан, биз ҳар қанча «Раҳм-шафқат», «Хайр-эҳсон» ташкилотларини тузмайлик — барибир бефойда!

— Мана, шу ерда мен ҳам анчадан бери айтмоқчи бўлиб юрган битта фикримни сиз билан ўртоқлашмоқчиман. Биласизки, бу йил халқимизнинг миллий байрами бўлган Наврўз жуда чиройли нишонланди. Шу куни ҳаммани меҳр-оқибатли бўлишга чорловчи узлуксиз телекўрсатувлар намойиш этилди. Жуда кўп кишилар ойнаи-жаҳон орқали ногирон одамларга хайр-садақа улашдилар. Албатта, бу — яхши! Бироқ қилинган ҳар бир марҳаматни эл олдига чиқиб эълон қилиш билан одамларнинг қалбида шафқат ҳиссини уйғотиб бўлармикан! Қолаверса, меҳрга илҳақ бўлиб ётган юртдошларимизнинг кўнгли қанчалар нозиклигини била туриб, уларнинг дардларини эл кўзида дастурхон қилаверсак, бемор кишиларни яна ҳам қийинроқ аҳволга солиб қўймасмиканмиз! Ногиронларни авайлаганимиз, уларга ҳиммат кўрсатганимиз — яхши. Бироқ ўзларига сездирмай авайласак, улар учун ҳаммаси табиий туюлса, яна ҳам яхшироқ бўларди, деб ўйлайман.

— Тўғри, миннат ҳар қандай яхшиликни йўққа чиқаради, миннат бор жойда савоб, заққумга айланади. Одамзот руҳини поклаш учун нимагадир сиғинган. Ҳозир-чи, бунинг бутунлай акси бўлаяпти. Одамлар қилдек яхшилик учун туядек раҳмат эшитмасалар кечаси ухлай олмайдиган бўлиб қолишди. Эҳтимол, бунда сиз айтган ўша узлуксиз кўрсатувлардаги «фалон фондга фалончи фалон сўм пул ўтказди!» деган мақтов ва олқишларнинг ҳам таъсири бўлаётгандир.

— Мен ўғрилардан, киссавурлардан унчалик ҳайиқмайман. Лекин шайтонсифат, эътиқодсиз кимсалардан жуда қўрқаман. Шу маънода фарзандларимизнинг эътиқодсиз бўлиб улғайиш эҳтимоли борлигидан ташвишланаман. Сизнингча, шу ҳалокатнинг олдини олиш учун нималар қилса бўлади! Умуман, эътиқод дегани — нима!

— Эътиқодсизлик ҳар қандай муқаддас нарсаларни ҳам парчалаб ташлайди. Эътиқод — юракдаги нур, субутига содиқ ва собит қолиш дегани. Ҳозир одамлар шамолдан ҳам тезроқ ўзгаришмоқда. Улар шамол қайси томонга эсишини илгаридан билиб олиб, шамолнинг олдига тушиб чопадиган бўлиб қолишган. Биз жуда мураккаб даврда яшаяпмиз. Нафақат катталарнинг, ҳатто болаларнинг ҳам беллари таёқ бўлиб, эгилса синадиган даражага етиб қолди. Лекин эътиқодни куч билан ҳам, насиҳат билан ҳам сингдириб бўлмайди. Мен негадир ислом маданиятига қайтсаккина эътиқодсизлик балосидан қутулсак керак, деб ўйлайвераман. Мактабларда бу таълимот алоҳида фан сифатида ўқитилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Одамлар азбаройи турмуш ташвишларига ўралашиб кетишганидан ўзларида ўқиш учун ройиш тополмай қолишди. Биз олдинги йилларда хотирасиз яшаган бўлсак, энди хаёл суриш, орзулаш каби фазилатларимиздан ҳам айрилай, деб турибмиз. Эсингиздами, ўн йиллар олдин китобларни безак, бойлик сифатида йиғиш, асраш урф бўлганди. Ҳозир уларга қарайдиган одам кам...

— Биз китобларнинг уволига қолдик демоқчимисиз!

— Йўқ, мен бугун муқаддас китобимиз бўлган Қуръоннинг ҳам мана шундай аҳволга тушиб қолаётганидан эзилаяпман. Ҳозир киссавурнинг уйида ҳам Қуръон бор. У бир қўли билан Қуръонни ушлаб, иккинчиси билан одамларнинг чўнтагига тушади. Бу билан унинг гуноҳи икки ҳисса кўпаяди: биринчиси, Қуръонни ҳам ҳаром йўллар билан топилган бойликлари қаторига қўйгани, иккинчи гуноҳи — ундаги ҳикматларга амал қилмаганидир. Болаларимизга келсак, уларни эртаклар оламига қайтаришимиз керак, гўдаклик чоғлариданоқ уларга хаёл суришни, орзу қилишни ўргатишимиз лозим. Биз болаларимизга миллий маданиятимизни, тарихимизни, адабиётимизни ўргатишимиз керак, шунда миллий фикрлаш, миллий ҳаёт тарзи вужудга келади.

Муқаддас китобларимизнинг бирида ёзилишича: дунёни учта нарса — тавба-тазарру, хайр-эҳсон ва ибодатгина тутиб турар экан. Биз шу ҳикматни фарзандларимизга ҳам тушунтирмоғимиз керак. Шундагина улар меҳр-оқибатли бўлиб улғаядилар, хатоларини тан олиш учун ўзларида куч топадилар. Нимагадир сиғиниб, топиниб яшаган кишининг эътиқоди бутун бўлади.

— Табиийки, ҳар қандай одам ҳаётда янглишади. Сиз энг катта гуноҳ деб қандай хатони тушунасиз!

— Истаймизми-истамаймизми, бизнинг руҳимизда ҳамиша гуноҳкорлик яшайди. Ўзингни айбсиз сезиш — энг катта гуноҳ. Гуноҳсизман, деган киши ҳамиша янглишади. Ўзимга келадиган бўлсак, мактабда, дорилфунунда ўқитилган дарсликлардаги гапларга ишонганман. Мана шу ишонч туфайли мен ҳам узоқ йиллар алданиб юрдим...

— Тил ҳақидаги қонуннинг кучга кирганига ҳам бир йилдан ошди. Шу фурсат ичида қилинган барча савоб ишлардан ташқари яна нималарга улгуриш мумкин эди!

— Тарихдаги ҳар қандай маданий юксалиш қайсидир жиҳати билан қадимиятга бўлган мурожаат билан боғланиб кетади. Унга эътибор билан уйқашиб кетади. Шу жиҳатдан олганда, ўзбек тилини давлат тили сифатида жорий этиш унутилиб бораётган қадриятларимизни тиклаш дегани ҳамдир. Расмий маълумотларга қараганда, ўтган бир йил ичида тил борасида режалаштирилган ишларнинг 15 фоизигина амалга ошган. Менинг назаримда, бу миқдор бир йил учун жуда кам. Бундан ташқари, масъул вазифаларда ишлаётган кишиларнинг кўпчилиги ҳали ҳам чала ярим тилда алоқа қиладилар. Улар бир йил ичида давлат тили бўлган ўзбек тилини мукаммал бўлмаса-да, муомала воситаси сифатида ўзлаштириб олишлари мумкин эди. Буни шунинг учун келтираяпманки, халқимизнинг кайфиятида раҳбарлардан андоза олиш ҳолати бор. Ҳатто гапириш, иш тутиш йўсинида ҳам.

— Биргина Андижон музофотининг ўзида Ленин номи билан боғлиқ бўлган 22 та, Маркс номли 6 та, Энгельс номли 5 та, Коммунизм номидаги 5 та жамоа ва давлат хўжаликлари мавжуд. Шунингдек, 3 та хўжалик Бобур, 3 та хўжалик Навоий номи билан аталади. Албатта, бу номлар кейинги йиллардаги қайта номлашлар шарофати билан юзага чиққан. Йўқ, мен бу билан Навоий ёки Бобур номини кўпроқ хўжалик ёки ташкилотларга қўймаслик керак демоқчи эмасман, аксинча, дуч келган хўжалик ёки ташкилотларга бу муқаддас номларнинг берилишига қаршиман. Тасаввур қилинг, чорвачилик фермасига ижодкор номининг берилишини. Яқинда яна бир нохуш гапни эшитиб қолдим. Айрим ўртоқлар Андижондаги Хўжаобод туманига Бобур номини беришни таклиф қилиб идорама-идора юришган эмиш. Бу нимаси! Қарийб 200 йил аввал шу юртни обод қилган Хўжа Додҳо ҳам тарихий шахс-ку! Бир бобомизнинг руҳини чирқиллатиб, иккинчисига сиғинмоқчи бўлган одамларга ишониб бўладими! Қолаверса, Бобур — кечагина унга золим шоҳ деб тош отганларида мум тишлаб ўтирган кишиларнинг марҳаматига муҳтож ҳам эмас. Бобур номи билан аталишга арзигудек муқаддас даргоҳларимиз ҳали жуда кўп...

— Жой номлари эл тарихидан, маданият тарихидан, хотира тарихидан иборат. Шу сабаб жой номларини ўзгартираётганда албатта иккита нарсани, шу жойнинг ўтмиши билан боғлиқ бўлган тарихий илдиз ва мантиқий асосни ҳисобга олиш керак, акс ҳолда турғунлик, аниқроғи карахтлик йилларида йўл қўйган сунъийликларни яна такрорлаб қўйишимиз мумкин. Масалан, бизнинг туманимиз ҳам Ульянов номи билан юритилади. У қайси Ульянов — Владимир Ульяновми, Александр Ульяновми — буниси ҳам мавҳум. Ваҳоланки, бу жойда тарихан шаклланган қадимий Касби манзили мавжуд. Касби сўзи уч маънони англатади: биринчиси қасаба — катта қишлоқ ёки кичик шаҳар, иккинчиси касалбеҳ — ҳавоси шифобахш, учинчи бир маъноси — касб-ҳунарни ифода этади. Ҳар уччала талқинда ҳам асос бор, чунки Касби карвон йўлида жойлашган. Унинг кўҳна бозори ўша тасарруфда яккаю ягона бўлган. Бозор расталарида қалпоқлар, сўзаналар, гиламлар, ҳолваю парвардалар сотилган. Бухородан чиққан карвон Касбида дам олиб жанубга йўл олган. Қадимги араб минтақашунослари Истахрий, Муқаддасий, Саъмоний, Ибн Ҳавқал, Ёқутларнинг асарларида Касбининг кўримли манзил сифатида тилга олиниши ҳам бу номнинг қадимийлигини исботлайди. XVII асрда яшаган балхлик минтақашунос олим Маҳмуд ибн Вали ўзининг «Баҳр ул асрор» («Сирлар уммони») асарида шундай ёзади: «Абдуллахон Шайбоний ҳукмронлиги даврида унинг тасарруфида қишлоқ ва овуллар кўп бўлган. Булар жумласига кирган Касби жаннат боғини эслатарди...» Машҳур шарқшунос олим В. В. Бартольд «Мўғуллар даврида Туркистон» асарида таъкидлайдики, Касби жойлашган музофотининг атанган манзили Насафдан катта бўлган. Бу гап ҳақиқатга анча яқинга ўхшайди. Чунки Касбининг бағрида катта қўрғон, очиқ ва ёпиқ сардоба мавжуд. Султон Мирҳайдар гумбази ҳам биз учун топилмас бойлик, тарихий ёдгорликдир. Хуллас шундай ажойиб тарихий манзил бўла туриб, бу жойнинг Ульянов номи билан аталишига ҳам кулгингиз, ҳам йиғлагингиз келади-да! Қолаверса, 1940 йилда Касби туманини тузиш ҳақида фармон чиққан эди. Лекин бу фармон нимагадир қисқа фурсатдаёқ кун тартибидан тушиб қолган. Наҳотки, битта жойга унинг ўз номини қайтариб бериш ҳам сиёсий зўрлик ёки юқоридан қилинган буйруқ асосидагина амалга ошса...

Мана биз, истаймизми-йўқми, Грузияда «Сталин» ташкилоти бор. Нега энди биз Гўрўғли, Широқ, Муқанна, Жалолиддин, Алпомиш сингари эл суйган қаҳрамонларнинг номларини қўйишга иккиланамиз! Ахир жумҳуриятимизда биргина «Ленинчи» номи билан аталувчи рўзномалар қанча! Нега Амир Темур номида рўзнома бўлмаслиги керак! Нимага биз уларни «Савоб», «Адолат», «Яхшилик», «Қадрият», «Ибодат» деб номламаймиз. Бунинг устига деярли ҳамма рўзномаларнинг шиори бир хил: «Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз!» Ҳар бир жойнинг шароитидан, ўша ҳудудда яшовчи элнинг руҳиятидан келиб чиққан ҳолда бу шиорни халқимизнинг гўзал нақллари, устоз уламоларнинг доно ҳикматлари билан алмаштириш нима учун пайсалга солинмоқда — буни сира тушунмайман. Қашқадарё музофотининг ўзида «Коммунизм учун», «Коммунизм байроғи», «Коммунизм алангаси» тарзидаги бир хил мазмунли ном билан чоп этилувчи рўзномалар мавжуд. Уларнинг пешоналарига ёзилган битиклари ҳам, ҳали айтганимдек, бир хил. Хуллас, бу ҳақда гаплашаверсак гапимиз сира тамом бўлмайди...

— Икром ака, адолатсизликлар ҳамиша, ҳамма жойда бўлган ва бўлаяпти ҳам. Ўзингизнинг ҳаётингизда юз берган ноҳақлик ҳақида гапириб беролмайсизми!

— Ҳаётида адолатсизликка дуч келмаган одам топилмаса керак. Мен ҳам ноҳақликларни кўп кўрганман. Биттасини айтақолай: бу адолатсизлик биттагина менга эмас, бутун бир элнинг эътиқодига нисбатан бўлган эди. Етмишинчи йилларда Султон Мирҳайдар ёдгорлигини таъмирлаш баҳонаси билан гумбаз устидаги иккита лайлак уяси ҳам «катталар» томонидан буздириб ташланди. Бу уяларнинг буздирилиши ўша элнинг азалий эътиқодига тиғ урган билан баробар бўлди. Чунки касбиликлар лайлакларнинг келишини умид деб, кўклам, деб қабул қилишарди. Ўша кунлари мен йиғлаганман...

Лайлаклар келмади бу баҳор,
Термулади йўлга мунғайиб —
Султон Мирҳайдар гумбази зор
Пештоқлари турар сарғайиб...

Юқоридаги сатрлар билан бошланган шеърим эълон қилингандан сўнг менга қишлоғимиздаги кўпгина давралар бегона бўлди. Чунки ҳамма «биринчи»нинг ғазабидан қўрқарди. Пайти келиб ўша биринчи котиб ишдан кетди. Буни қарангки, Султон Мирҳайдарни «таъмирлатган одам» кетар чоғида гумбазга қўйилган офтобадан тортиб симларигача суғуртириб олиб кетибди. Лайлаклар эса шу-шу қайтмади. Одамлар буни кейин сезишди, аммо вақт ўтган эди. Ҳозир гумбаз обдон таъмирланаяпти. Бу савоб ишнинг бошида турган 9-ПМКнинг бошқарувчиси Олимжон Шариповнинг ғайратини кўриб, юрагим таскин топгандек бўлди.


— Бу воқеа ҳаётингиздаги энг сўнгги адолатсизлик бўлишини истайман. Ўзингиз нимани орзу қиласиз!

— Мен энг аввало, ёшларимизнинг кўнглида сезиш ва соғинч туйғуларининг кучайишини хоҳлайман. Султон Мирҳайдарга лайлаклар қайтса, ҳаммага ҳам ўйлаш азоби насиб этса, деб орзу қиламан!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА
суҳбатлашди.

3

4



Хива — 2400 йиллик тарихга эга бўлган қадимий шаҳар (чапдаги сурат). Эҳҳей, у ўзининг XXIV асрлик умри давомида нималарни кўрмади, дейсиз. Қанчалаб адолатпеша-ю, саховатпеша, қанчалаб жоҳилу, қанчалаб оқил, умр аталмиш карвонни етаклаб ўтмаган бу ердан. Хива эса барча яхшилигу, ёмонликларга гувоҳ бўлиб, ўзининг жозибали миноралари билан бутун жаҳон халқларининг эътиборини тортганча мағрур турибди.

СУРАТДА: музей-шаҳар Хива.

* * *

Мана, ниҳоят ёруғ кунлар остонасига ҳам етиб қолдик, шекилли. Тилимизни, дилимизни, демакки, халқимизнинг шаънини ҳимоя қилиб, озми-кўпми уни оқлаб бошладик. Кечагина таъқибу қатағонга учраган динимиз ҳам равнақ топа бошлади. Сиз кўриб турган ушбу сурат ҳам (ўнгдаги сурат) юқоридаги сўзларимизни исботи бўлади десак, адашмаймиз...

СУРАТДА: Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг шайхи Матёқуб ибн Отаназар ибн Матёқуб Қуръон тиловат қилмоқда.

Қ. ОТАЕВ (ЎзТАГ) суратлари



«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ЖАДЙ ЮЛДУЗЛАР ТУРКУМИ

(22 ДЕКАБРЬ — 20 ЯНВАРЬ)

Қайсарлик белгиси Ер. Бунёдкор.

Жадй ойида таваллуд топган инсонлар жуда бардошли ва сабр-тоқатлидир. Улар бугунги кун билан яшашади, севиш ва меҳнат қилишнинг уддасидан чиқишади. Қадамба-қадам мақсад сари интилишгани учун ҳам омад уларга ҳамиша ёр бўлади.

Улар хизмат поғоналари бўйича аста-секин юқорилаб боришади. Ўзгалар кўзига жозибали кўринишни исташмайди.

Шу ойда туғилганлар билан олишиш бемаънилик бўлур эди. Чунки улар донишмандликлари туфайли ўзларига душман орттиришмайди.

Жадйлар кўп вақтларини табиат қўйнида ўтказишни ёқтиришади. Ҳаётга ижобий кўз билан қарашади. Балким шунинг учунми уларнинг териси жуда нозик, сезгир бўлади.

Уларга ёқишни истасангиз кўпроқ куч сарфлашингизга тўғри келади. Чунки улар ҳеч вақт ўз ҳис-туйғулари, эҳтиросларини ошкор этишмайди.

Жамиятда, ҳаётда ўз ўрнини тополмаган инсонларни шу ойда туғилганлар унча хуш кўришмайди. Шунинг учун ҳам улар никоҳга астойдил ўйлаб кўриб, сўнгра қадам қўйишади. Уларда қариндошлик ришталари жуда кучли.

Қўлигул, ғайратли, меҳнатсевар инсонлар асосан шу ойда туғилади. Улар анъаналар, омад ва ҳукмронликни ёқтиришади. Босиқлик ва мағрурлик улар учун хосдир.

Улар учун умидсизликка тушиш жуда зарарлидир. Жадйлар одатда жамиятда маълум мавқени эгаллагандан кейингина оила қуришга ҳаракат қилишади. Хаёлпарастлик уларга хос сифат бўлиб яхшигина шеър ёзиш ва қалам тебратиш қўлларидан келади.

Уларнинг гавда тузилиши одатда пишиқ, сермускул ва тўлиқ бўлиши табиий.

Жадйлар касалликка баъзан чалиниб туришса-да, умуман узоқ умр кўришади.

Эҳтиёт бўлинг, улар сизнинг сирларингиз ва камчиликларингиздан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишлари мумкин, улар раҳнамоликни қўлдан беришни асло хоҳлашмайди.



Хаёл оғушида

А. РИСҚИЕВ (ЎзТАГ) суратлавҳаси.

Янги шеърлар

Дилда борим

Ҳар ким аслман дер наслин яшириб,
Юриш-туришида ибоси йўқдир.
Ўзини кўрсатар нархин ошириб,
Дидига яраша баҳоси йўқдир.
Ўлчовин йўқотса тошу-тарози,
Кимларга ён босса кимлар норози.
Ноҳақлик ҳукмини ўқиса қози,
Фикрлар дардининг давоси йўқдир.
Кимсалар уйида мўл-кўл дастурхон,
Яратган деҳқонга тутмангиз осон.
Ўзининг егани қотган бурда нон,
Келиннинг келинлик либоси йўқдир.
Тадбиркор бўлса гар юртнинг султони,
Ҳар бир муаммонинг бўлар имкони.
Фуқаро аҳлининг бутундир нони,
Кўчада дайдиган гадоси йўқдир.
Шоҳона кошона, шоҳона базм,
Зар тўнли кимсага қилармиз таъзим.
Осонни забт этган олим — мунажим.
Сўзининг чақалик патвоси йўқдир.
Ўзаро ёв бўлса оға-инилар,
Куёвин тан олмай қўйса келинлар,
Уларга бош бўлса ғаддор, худбинлар,
Уғилнинг отага тавбаси йўқдир.
Осмонни қопласа туз билан тўфон,
Ой, йиллаб гўшт, мойсиз қайнаса қозон,
Сиёсат каж бўлса, ваъдалар ёлғон,
У юртнинг бошида доноси йўқдир.
Дерлар қайси юртда кўп бўлса зино,
Жумбуш-ла ларзага келармиш дунё.
Қизу жувонлардан кетсада ҳаё,
Мулло-эшонларнинг парвоси йўқдир.
Уйғон элим, келдим қопинг қоқмоққа,
Навбат келди дилда борин айтмоққа.
Қул бўлмагин энди ҳар бир аҳмоққа,
Ҳожининг сўзида хатоси йўқдир.

Ҳожибой МАШАРИПОВ,
Самарқанд.


Бободеҳқон

Бободеҳқон, қутлуғ қадам, савлатли,
Назар ташлар далаларга ҳимматли,
Қадоқ қўли нигоҳимни этса банд,
Дерман қадри бўлса эди қимматли.

Ўз тилида сўйлашар у ер билан,
Дуру олтин ундиради тер билан.
Топганида талардилар борини
Йўқотгани боғлиқ эди сир билан.

Танир бугун у ўзининг шукуҳин,
Йўл бермагай топтасалар ҳуқуқин,
Тожи унинг зафаридан шод бўлар,
Толейига бахт кулгани бўлсин чин.

Тожибек ЮСУПОВ.



АЛИФБО ТАСВИРИНИ ОЛДИНГИЗМИ?

Эски ўзбек ёзувини ўрганишга бугунги кунда халқимиз ниҳоятда муштоқ. Чунки Октябрь инқилобидан сўнг йўл қўйилган хатолар натижасида кўпгина халқлар ўз тили, ёзуви, маданияти, ҳаттоки ўз ватанларидан маҳрум этилдилар. Жумладан, ўзбек халқининг ҳам ёзуви, маданиятининг аксарият қисми поймол қилинди. Натижада минг йиллик меросимиз билан кейинги авлод орасида узилиш пайдо бўлди. Бугунги кунда ана шу узилишни бартараф этиш, ота-боболаримиз томонидан ижод этилган маънавият дурдоналари билан руҳан боғланиш мақсадида эски ўзбек ёзувини ўрганишга саъйи ҳаракат қилмоқдалар. Эски ўзбек тилида битилган ёзма ёдгорликларимизнинг талайгина қисми хорижий мамлакатларда ватандошларимиз ва маданиятли шахслар томонидан асраб келинди. Ва ниҳоят 70 йилдан сўнг салафларимиз томонидан яратилган дурдоналарни бизга қайтариб бермоқдалар. Афсуски, биз бу муддат давомида эски ўзбек ёзувимизни унутдик. Шу боис эски ўзбек ёзувини тезда ўрганиб ололмаяпмиз. Қанчалик қийин ва ачинарли бўлмасин, ўз тарихини, маданиятини севган киши эски ўзбек ёзувини тезда ўрганиб олади. Бунинг учун эса малакали мутахассисларимиз томонидан қўлланма ва тасвирлар чоп этилмоқда.

Афсуски, бу тасвирларнинг ҳаммаси ҳам илк ўрганувчиларнинг хат-саводини чиқаришга хизмат қилавермайди. Яқинда «Ўқитувчи» нашриётида юз минг нусхада чоп этилган Раҳимбой Жуманиёзов ва Алим Мирзаевларнинг эски ўзбек ёзуви бўйича тайёрлаган «Алифбо» тасвири анча таҳсинга сазовордир. Муаллифлар томонидан яратилган бу кўргазма эски ўзбек ёзувини ўрганувчилар учун ниҳоятда қўл келади. «Алифбо» тасвири икки томонлама маълумотномадан иборат бўлиб, унинг биринчи томонида ҳарфларнинг алоҳида ҳолатдаги кўринишлари ва шу ҳарф билан бошланувчи нарса ва ҳодисаларнинг сурати берилган. Суратлар остига уларнинг атамаси араб ёзувида битилган. Сурат ва мисолларда миллийликни ифодалашга интилиш борлиги аҳамиятлидир. Кўргазманинг иккинчи томонида эса, эски ўзбек алифбоси ҳарфларининг сўзнинг турли ўринларидаги кўринишларига мисоллар берилган.

Шунингдек, ўша жойда ўзбек халқ мақолларидан айримларининг ҳозирги ёзув билан бирга араб алифбосидаги муқобили ҳам берилиши ибратлидир. Бу эса ўқувчиларни иккала ёзувни бир-бирига муқояса қилиб ўрганишда асқотади.

Кўргазмада муаллифлар томонидан танланган сўзлар, мақол ва байтлар ҳаммаси ҳам таълимий тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ўрганувчиларда катта қизиқиш уйғотади. Кўргазмада берилган мисоллар ва ҳарфлар кўриниши хаттотлик санъатининг намуналари эканлиги билан ҳам ўқувчини ўзига ром этади. Ҳаттот Сайфиддин Рафиддинов томонидан насх хатида битилган ҳар битта сўз ва байт эътиборга моликдир.

Хуллас, Раҳимбой Жуманиёзов, Алим Миразевларнинг саъйи ҳаракатлари ила яратилган «Алифбо» кўргазмаси ҳар томонлама мукаммал ишланган бўлиб, қизиқувчиларни эски ўзбек ёзувини ўрганишларида катта самара бериши табиийдир. Эски ўзбек ёзувини билмоқ, англамоқ, ўз навбатида даҳоларимиз томонидан яратилган улкан маданий бойликдан хабардор бўлмоқ ва уни халққа етказмоқ демакдир. Ўтмиш маданий меросни ўрганмоқ — ўзлигини англамоқ, билимлар гавҳарига эга бўлмоқ, ҳаётни теранроқ тушунмоқдир. «Алифбо» тасвири ҳам ана шу йўлда қилинган заҳматли меҳнатнинг маҳсулидир. Эски ўзбек ёзувини ўрганиш ҳар бир ўқувчининг ўз тарихига бўлган муҳаббати билан боғлиқдир.

Акром ЖУМАЕВ,
Пушкин номидаги тил ва адабиёт билимгоҳининг илмий ходими.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг!

Яна сирли ҳодиса

Ўша куни оила аъзолари кечки овқатга ўтиришганди, томга келиб урилган қаттиқ нарсадан сергак тортишди. «Бирор бола шиферга тош отди» ўйлашди улар. Орадан сал ўтмай шифер яна тарақлаб кетди. Хонадон бошлиғи Қосим ака кўчага чиқди. Ҳеч ким йўқ эди. Аммо тош урилиши давом этарди. «Болалар бекиниб олишганга ўхшайди», ўйлади Қосим ака ва ҳовлининг давлат хўжалиги даласи билан туташиб кетган томонига ўтди. У ёқда ҳам ҳеч ким йўқ. Эрталаб қарашса ерга тушган тошларнинг ҳар бири муштдай, турли шаклдаги оддий дарё тошлари эди.

Бу ҳақда қўшниларга айтишганди, улардан бири: «кеча бизнинг дарвозага ҳам кимдир тош отиб чиқди», деди.

Эҳтимол, бу воқеа эсдан чиқиб кетиши мумкин эди. Аммо эртаси 26 октябрь куни қоронғу тушар-тушмас яна тош отиш бошланди. Тошнинг баъзиси тўғридан-тўғри зарб билан ҳовлига келиб тушар, баъзиси шиферга тегиб, сакраб пастга тушарди. Тошнинг келаётганини кўриш мумкин, аммо қаердан отилаётганини илғаш қийин эди. Ажабланарлиси шундаки, тош фақат Қосим акалар яшайдиган Ойбек кўчасидаги 202 «А» уйга эмас, яна еттита ҳовлига «ёғилаётган» экан.

Орадан уч кунлар ўтиб, кундузи ҳам тош тушадиган бўлди.

Шу тариқа ўн кун уйларга тош «ёғилди». Кўчанинг бошида пойлоқчи қўйганлари, милиция ходимларини чақирганлари наф бермади. Кексаларнинг маслаҳати билан кўчада қон чиқарадиган бўлишди ва бозор куни қўни-қўшнилар биргаликда худойи қилишди.

Ажаб... Ўша куни тош бошқа ёғилмади. Ёғилмади-ю, бироқ...

Тош ёғилаётган айрим хонадондагиларни бемаҳал чиқаётган ёнғин хавотирга қўяётган эди.

— Бир тележка сомон олиб келиб, кўчага тўктиргандим. Янглишмасам, 30 октябрь эди. Ўша куни сигирни ҳовлига олиб кириб боғладим ва зум ўтмай яна кўчага чиқдим. Қарасам сомон ёнаётган эди. Бирор бола ёқиб қочибди, деб ўйладим. Бироқ атрофда ҳеч ким йўқ эди. Сув сепиб, сомонни ўчирдик. 31 октябрь куни ҳовлидаги бир халта майин сомон ўз-ўзидан ёнаётганини кўриб дарҳол ўчирдим. Эртаси душнинг ичида тахлаб қўйган ўтинларга ўт кетди. Бугун ҳам ёнғин чиқди. Душнинг ичидаги сув сепиб ўчирилган ўтинлар яна ёнди кетди. Молхонада — тоғора ичидаги нишхўртлар ҳам ёнди, — деди Қосим ака.

Дарвоқе, тоғора қоп-қора бўлиб ётибди. Кўча томонда куйган сомонлар.

— Яна бир нарса бизни ҳайратга солаяпти, — дейди уй бекаси. — Аввал қўшнимизнинг уйидан бирор нарса ёнади, сўнг бизнинг ҳовлидан ёнғин чиқади. Орадан бирор соатлар ўтади, холос. Жуда кўп марта худди шундай бўлди.

Ёнғин Ойбек кўчасидаги тўртта хонадонда содир бўлаётган эди. Ҳаммадан ҳам 200-уйда истиқомат қилувчи Тўхта ака Собировлар хонадони жабр кўрган.

— Бир неча кундан буён ташқарида қўйилган ўтинларимиздан ёнғин чиқаётган эди. 2 ноябрь куни уйимиздан чиқди, — дейди уй бекаси Маъмура опа бизни дарвозадан кираверишда қурилган бир хонали уйга бошлар экан. — Гиламларни йиғиштириб қўйдим, кўп нарсалар куйди. Хайрият, вақтида хабар топиб қолдик.

Уйнинг тўридаги полнинг кемтиги бўлиб, 3x5 сантиметр чамаси катталикда эди. Кичкинагина шу кемтикдан чиққан олов узун ёниб шифтга тегибди. Деворга илинган кийимлар, хонтахта, гилам куйган. Ўртадаги электр чироғи эса узилган. Қоп-қорайиб қолган девор, шифт, осилиб ётган электр чироғи бўлган воқеадан гувоҳлик бериб турарди.

Бу қандай сир? Ҳеч ким билмайди. Кўплар ваҳимага тушиб қолган. Олов чиққан ҳовлидагилар ҳовузларидан тортиб челакларигача сув тўлдириб қўйишган. Ҳар ҳолда шу нарса аниқки, шу ҳовлилар билан туташиб кетган давлат хўжалиги даласидаги иккита тут дарахти тош «ёғилиши»дан бир кун олдин — 23 октябрь — чоршанба куни ёниб кетган. Ҳеч ким билмайди: тутлар ўзи ёнганми ёки болалар ўйнаб ёқишганми? Ҳар ҳолда ўша куни тутлар танасининг ўртасидан бир неча соат гуриллаб ёнган. Куйган жойларидан чўғ сачраб-сачраб ерга тушган ва сўнг яна ўз-ўзидан ўчиб қолган.

Кимлардир шу томонлар бир пайтлар қабристонга туташ бўлган ҳам дейишмоқда. Хуллас, Ойбек кўчасидаги бир неча хонадонни ташвиш ва таҳликага солган бу сирли ҳодисага аниқ бир жавоб йўқ. Мақолани ёзиб бўлгач, эшитсам 7 ноябрь куни ҳам 202 «А» хонадонидан уч марта ёнғин чиқибди. Илгари икки марта ёнган душнинг ичидаги ўтинлар яна ёнибди. Уй эгалари барча ўтин, ёнадиган нарсаларини ташқари кўчага олиб чиқиб қўйишибди.

Эҳтимол, бу жумбоқни мутахассислар, олимлар шарҳлашар, сирли ҳодисани ўрганиб, аниқ жавоб қайтаришар. Ойбек кўчасидагиларнинг тинчи бузилган.

Лола ЎРОҚОВА.
Китоб шаҳри.

«СПАРТАК» — СОВРИНДОР

Австриянинг Линц шаҳрида бўлиб ўтган халқаро мини — футбол турнирида Москванинг «Спартак» командаси ғолиб чиқиб, 120 минг австрия шиллинги тариқасида белгиланган бош совринни олди.

Ҳал қилувчи ўйинда москваликлар «Байнер» (Леверкузен)ни 9:4 ҳисобида мағлубиятга учратди. Тўпларни Перепаденко (3), Мостовой (3), Шалимов (2), Кульков (1) киритди. Учинчи ўрин эса «Фейеноорд» (Роттердам)га насиб этди.

Ўйин таассуротлари ҳақида «Нойе Кронен-Цайтунг» рўзномаси шундай ёзади. «Барча ўйинларни чиройли ва ишонч билан ўтказган шўро футболчиларини қўлларида шиорлар кўтарган маҳаллий ишқибозлар «Раҳмат сенга — «Спартак» дея кузатиб қолишди. «Оврўпонинг машҳур командаларидан бири «Наполи»ни ютган «Спартак»нинг ўйинлари мухлисларга олам-олам завқ бағишлади».

Мавзуга қайтиб

«НУЖлар бизга дўстми ёки душман...»

Рўзномамизнинг шу йил 28 ноябрь сонида юқоридаги сарлавҳали мақола чоп этилгач, муштарийларимиздан кўплаб мактублар олдик. Таҳририятимизга ташриф буюрганлар, қўнғироқ қилганларнинг сони ҳам юздан ошди.

Уларнинг аксарияти Зулфия Жумаева шахсияти, яшаш жойи билан қизиққанлар, у айтган фикрларга ўз муносабатларини билдирганлар. Мухбирнинг ўзга сайёраликлар билан учрашиш мумкин ёки йўқлиги ҳақидаги саволига Зулфиянинг «Мумкин. Агар улар хоҳлашса...» деган жавобини нотўғри тушунган айрим муштарийларимиз эса самовий меҳмонлар билан учраштиришимизни ўтинганлар. Ваҳоланки, юқоридан жавобда «улар» дейилганда ўзга сайёраликлар назарда тутилган эди.

Андижонлик экстрасенс З. Ашуровнинг мактуби айниқса киши эътиборини тортади. У Зулфиянинг кўп фикрларига қўшилса-да, илк фазогиримиз Ю. Гагариннинг ўзга сайёрада тирик юрганлигини ва яқин орада Ўрта Осиёда табиий офат юз беришини мутлақо инкор этади. Унинг ёзишича, буларни сирли, аммо тайинли асосга кўра баён қилаётир.

Хўжаободлик муаллим А. Қиличев эса Т. Солиевга нисбатан билдирилган фикрга ойдинлик киритишни сўраган. Бизнинг қўлимизда Зулфия Жумаеванинг онаси Улашбиби Узоқованинг мактуби ҳам борки, назаримизда у бу муаммога ойдинлик киритади. «Зулфиябонуда 18, менда эса 54 сайёранинг калити (коди) мавжуд, — деб ёзади У. Узоқова. — Тоҳир Солиев ҳам ниҳоятда хосиятли, илмли киши. Унга ҳам ўзга сайёраликлар талай калитлар беришган...»

Шу ўринда биз бу муаммони бўрттириб, унга шуҳратпарастлик нуқтаи назаридан баҳо беришга қарши эканлигимизни таъкидлаб ўтишни истардик. Зеро, энг асосийси, калит кимнинг қўлидалиги, уни ким биринчи бўлиб олганлигида эмас, балки унинг биз инсонлар қўлида эканлигида, эзгуликка хизмат қилишидадир.

Муштарийларимизни қизиқтирган яна бир мавзу ер ости қазилма бойликларига нисбатан билдирилган фикрдир. У. Узоқованинг таъкидлашича, «конларни очиш ниҳоятда мураккаб. Тегишли шароит яралмасдан ота-боболардан қолган меросни бегоналарга бериб юборишга олий руҳлар қаршидирлар. Уларни ранжитганлар ўз жазоларини олишади».

Чоп этилиши муштарийларимизда қарама-қарши фикрлар қўзғаган бу мақола ёдингизда бўлса, «Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг» ойнасўзи остида берилганди. Нуқтадон муштарийларимиз тўғри фаҳмлаганларидек, биз унда қайд этилган фикрларнинг тўғрилигига кафолат беролмаймиз. Бизнинг муддаомиз — жамиятимизда маълум муаммога нисбатан ана шундай нуқтаи назар ҳам мавжудлигидан ўқувчиларимизни воқиф қилиш. Ҳақиқатга эса ҳар бир фикрни инобатга олиб, ундан оқилона хулосалар чиқариш орқалигина эришилади.

Мақола юзасидан кўтарилган муаммоларга якун ясар эканмиз, унга муносабат билдирган барча муштарийларимизга миннатдорчилик изҳор этамиз.

А. КАРИМ.

ТВ

23 ДЕКАБРЬ — ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтанома». (такрор.).

* * *

9.00 «Соҳил». Бадиий фильм. 2-серия. 10.10 «Фабриканинг йўлида». Тошкентдаги «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари билан ижодкор ёшлар учрашуви. 11.20 «Муҳофаза». 11.50 «Бобур». Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида кўп серияли видеофильм. 3-қисм (такрор.). 13.10 «Халқ ижодиёти».

Тижорат кўрсатуви

14.00 Наманган вилояти Тўрақўрғон ноҳиясидаги «Дилшод» ансамблининг концерти.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Кумушранг қўнғироқ». «Кўзача». Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. «Кичкинтой» программаси. 19.00 «Остонаси тиллодан...» 19.30 «Ахборот». (рус тилида). 19.50 Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Муҳаммаджон Мирзаевнинг ижодий кечаси. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Муҳаммаджон Мирзаев ижодий кечасининг давоми. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Бобур». Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи асосида кўп серияли видеофильм премьераси. 4-қисм. 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот. 10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама. 10.15 «Офарин!». Қувноқ спорт ўйинлари. Душанбе шаҳридаги 115- ва 120 болалар боғчаларининг тарбияланувчилари мусобақалашадилар. 11.00 «Биргаликда». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мультфильмлар. 18.30 «Тоғли ўлка муаммолари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Тожиктелефильм»). 19.10 «Чеҳраи ҳунар». Акамад Азизов — Қўрғонтепа мусиқий комедия театрининг актёри. 20.00 «Ҳафта». Информацион программа. 20.30 Мусиқий программа. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Навиди Душанбе». 22.45 «Биргаликда». Телевизион бадиий фильм (рус тилида). 23.50 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото» тиражи. 9.30 «Эрта саҳарлаб». 10.30 «Ватан хизматида». 11.30 «Блиц». Тонгги дам олиш программаси. 12.00 «Саёҳатчилар клуби». 13.00 «Здоровье». «СПИД: хавфли». 13.45 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 14.00 «Бу қўшиқни эсла». Катталар ва болалар учун кўрсатув. 14.10 «Жаҳон бозорлари (АҚШ). Биржа таваккални камайтиради». Ҳужжатли фильм премьераси («А» студияси). 15.00 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 16.15 «Педагогика ҳамма учун». 17.15 «Эртаклар ва саргузаштлар оламида». Мультфильм премьераси. 18.25 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган жамоа — Ленинград филармонияси академик симфоник оркестри чалади. Дирижёр — Ю. Темирканов. 18.40 «Нима? Қаерда? Қачон?». 19.40 П. И. Чайковский. «Юзта романс». 20.00 «Воситачи». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.15 Оддий ва мангулик ҳақида. 21.30 «Вақт». 22.00 «Россия тароналари». Халқ қўшиқлари ижрочилари 1 Бутунроссия телерадио танловининг якунловчи концерти. Смоленскдан олиб кўрсатилади. 24.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 «Хайтарма» қрим-татар ансамблининг концерти. 9.30 «Камбағаллашув». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Табиатни ардоқлаш зарурати ҳақида (Олмаота). «Она замин ташвишида» туркумидан. 9.55 «Бочяй» рақсга тушади ва куйлайди. Вильнюсдан кўрсатилади. 10.30 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 11.30 В. Третьяков раҳбарлигидаги ССЖИ Давлат камер оркестри чалади. 11.45 «Планета». Халқаро программа. 12.45 Коллаж. 12.50 «Биз яшаётган олам». Режиссёр И. Селецкис фильмлари. «Раймонд Паулс. Иши ва уйлари». 13.55 В. Готовцева куйлайди.

14.15 ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

16.45 «Ҳаммаси чаппасига». Мультфильм. 17.00 «Россия тароналари». Халқ қўшиқлари ижрочилари 1 Бутунроссия телерадио танлови. Танловнинг 3-тури. Смоленскдан кўрсатилади. 20.00 Фигурали учиш. ССЖИ чемпионати. Эркин рақс. Минскдан кўрсатилади.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«ЁШ ЛЕНИНЧИ»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58.
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 28640.